

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ



Давронов Диёрбек Ақтам ўғли

**Одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид
халқаро стандартлар ва миллий амалиёт**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: З.Нематходжаев

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. Одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари	
1.1. Одам савдоси жабрланувчилари тушунчасига оид халқаро ва миллий ёндашувлар таҳлили.....	10
1.2. Ўзбекистон Республикасида одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	21
II БОБ. ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА	
2.1. Хорижий мамлакатларнинг одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид тажрибаси.....	32
2.2. Халқаро ташкилотларнинг одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва роли.....	45
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР	
3.1. Одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд муаммолар.....	56
3.2. Одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини такомиллаштириш истиқболлари.....	60
ХУЛОСА	65
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	69
ИЛОВАЛАР	

К И Р И Ш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги илм-фан, техника ва янги ахборот технологиялари ривожининг жадаллашуви, ахборот алмашуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос янги давр – глобаллашув асрини бошлаб берди.

Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда ялпи ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий, маданий ва ахборот, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан миллий ўзига хос анъана ва қадриятларни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бунинг натижаси ўлароқ, халқаро меҳнат тақсимоти жараёнлари фаоллашмоқда, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгаймоқда.

Умумжаҳон миқёсдаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, афсуски, айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам яққол кузатилмоқда. Одам савдоси ҳам умумжаҳон миқёсидаги муаммолардандир.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда бу мудҳиш иллат ноқонуний қурол савдоси, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Одам савдоси – кўп қиррали хавф ва инсон ҳуқуқларига қарши жиддий жиноятдир. У одамлардан уларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини тортиб олади, шахсий дахлсизлигига ҳамда уларнинг соғлигига бевосита хавф солади ҳамда бутун жаҳонда уюшган жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлади.

Одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш одам савдосига қарши кураш тизимининг ажралмас элементи ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистонда одам савдосига қарши кураш, унинг олдини олиш, сабабларини аниқлаш, унга барҳам бериш, унинг

оқибатларини минимал даражага келтириш билан бир қаторда одам савдосидан жабрланганларга ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам бериш долзарб масала ҳисобланади.

Шу сабабли, танланган мавзунинг долзарблиги қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади:

- Ўзбекистонда сўнгги йилларда содир этилаётган одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони кўламнинг ошиб бораётганлиги. Олдин кўпроқ одамлар меҳнат эксплуатацияси мақсадида одам савдоси жабрланувчисига айланган бўлса, бугунги кунда ушбу жиноятнинг аёллар ва болалар савдоси кўринишлари ҳам намоён бўлмоқда;

- одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларнинг тактикасида айрим ўзгаришларнинг кузатилаётганлиги. Хусусан, олдин ёлланган фуқаролар кўпроқ Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасига олиб кетилган бўлса, бугунги кунда **“рецепиент”** мамлакатлар сифатида ушбу давлатлар билан бир қаторда АҚШ, Ғарбий Европа, Жануби-Шарқий Осиё ва араб давлатлари ҳудудида ҳам жинсий, меҳнат ва бошқа турдаги эксплуатацияга жалб қилинаётганлиги;

- одам савдосидан жабр кўрган шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш заруриятининг юзага келаётганлиги;

- хорижий мамлакатларда ўрта ва узоқ давр мобайнида эксплуатация қилинган Ўзбекистон фуқаролари, мамлакатга репатриация қилингандан сўнг мослашиш ва бошқадан маҳаллий ижтимоий муҳитга ижтимоийлашувга қийналаётганлиги;

- ушбу жиноятга ихтисослашган криминал гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Бирлашган Араб Амирлиги, Жанубий Корея, Тайван, Туркия, Исроил, Россия Федерацияси, Қозоғистон ҳамда Ғарбий Европанинг айрим мамлакатларига **“тирик”** товарни ўтказиш бўйича **донор ва транзит** давлати сифатида фойдаланаётганлиги.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар одам савдосига қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш масалаларига дахлдор бўлган тадқиқотларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1-гуруҳ. Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг ишлари. Ўзбекистон Республикасида одам савдоси билан боғлиқ фаолиятни ҳуқуқшунос олимлар Р.Кабулов, З.Гулямов, Р.Шакуров, И.Соттиев, Н.Қурбонов, Я.А.Абдулҳақов, И.Ю.Фазилов, Ф.А.Базаров, М.Х.Рустамбаевлар¹ ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси таҳрир асосида ўрганган.

Бундан ташқари, одам савдоси оқибатида жабрланган аёллар ва болаларни ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари ҳуқуқшунос олимлар Ш.Х.Хамраева ва Э.Х.Холовалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўрганилган бўлиб, одам савдоси жабрланувчиси ҳисобланувчи аёллар ва болаларни ҳимоя қилишда давлатлараро ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий асослари, минтақавий ташкилотларнинг ушбу жараёндаги иштирокига алоҳида урғу бериб ўтилган.

2-гуруҳ. МДХ доирасидаги тадқиқот ишлари. МДХ доирасидаги тадқиқотчилар Г.К.Смирнов, Л.Ю.Егорова, С.С.Кулажникова, Е.Тюрюканова, М.Малышева, К.А.Лукьянова, О.Ю.Потемкина, Ж.С.Баумова, В.Ю.Кузнецовлар² ўз тадқиқотларида одам савдоси масалаларини асосан

¹ Кабулов Р. ва бошқ. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашни квалификация ва тергов қилиш. – Тошкент, 2005.- Б.10. Қурбонов Н.Б., Ниёзова С.С. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашнинг ижтимоий хавфлилиги ва олдини олиш. – ТДЮИ, 2008.- Б.36-59. Хамраева Ш.Х. Аёллар траффики (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари: ю.ф.н. илмий дар. дисс. – Тошкент, 2005 й.- Б.43-79. Холова Э.Х. Современное состояние международно-правовой борьбы с вербовкой женщин и детей: дисс. к.ю.н. – Ташкент, 2009.- Б.77-99. Абдулҳақов Я.А. Одам савдоси жиноятларининг тергов қилиш хусусиятлари: автореф. PhD дисс.–Тошкент 2019 й. Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминогик жиҳатлари: Докторлик дисс. –Тошкент. 2016 й. Базаров Ф.А. Одам савдоси жиноятларига қарши курашишда “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти. Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари. ИИВ Академияси республика илмий-амалий конференция. – Тошкент. 05.04.2013. 139-бет.

² Егорова Л.Ю. Торговля несовершеннолетними: проблемы квалификации. Автореф. диссер. к.ю.н. –Москва. 2007. Тюрюканова Е.Женская трудовая миграция. <http://www.demoscope.ru/weekly/2005/0201/analit04.php>. 22.05.2005. Лукьянова К. Международное сотрудничество в борьбе с незаконным вывозом и сексуальной эксплуатацией за рубежом женщин и детей. канд. диссер. –Москва: 2001. Потемкина О.Ю. Европейский Союз в борьбе с нелегальной иммиграцией: новые тенденции / О.Ю.Потемкина Вся Европа.ru – 2009. – №5(33). – URL: http://alleuropa.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=1130. Баумова Ж.С.

миграцион ҳамда тана аъзолари эксплуатациясига оид жиҳатлари кўпроқ тадқиқ этилганлигини кузатишимиз мумкин.

Тадқиқотчи Г.Смирнов эса одам савдосини тергов қилишнинг самарали методикасининг мавжуд эмаслиги унга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқишга салбий таъсир кўрсатишини ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, оператив-қидирув, ахборот-таҳлилий идоралар, халқаро полиция, шунингдек ноҳуқумат ташкилотларнинг потенциалидан тўғри фойдаланмаслик ҳолатига олиб келишини кўрсатган¹.

Рус социологи С.Кулажникова тадқиқотида одам савдосини аҳолининг эскирган ижтимоий қадриятлари ҳамда иқтисодий ривожланган ва камбағал қатламлари ўртасидаги иқтисодий номутаносиблик туфайли юзага келган аномия кўриниши сифатида баҳолаган. Муаллиф одам савдосигача олиб борувчи дисфункционал ва дезинтеграциявий жараёнлар ҳамда девиант ҳуқуқворни келтириб чиқаришини таъкидлаган².

3-гурух. Хорижий тадқиқот ишлари. Хорижий тадқиқотчилар Н.С.Зайберт, Ф.Л.Синицынлар, А.Вилкс, Ж.Бекер, Ж.Сусвеллер, А.Ароновиц, Г.Тойерманн ва Е.Тюрюкановалар³ тадқиқот олиб борган бўлиб, уларнинг тадқиқотларида асосий эътибор одам савдоси жиноятларини “хуфиёна иқтисодиёт”, шахвоний эксплуатация масалалари нуқтаи назардан ёндашилган.

Латвиялик олим А.Вилкс ўз тадқиқотини одам савдосининг ижтимоий, сиёсий ва криминолигик жабҳаларига урғу бериб ўрганган.

¹ Смирнов Г.К. Методика расследования торговли людьми: автореф. дисс. на к.ю.н. – Москва, 2008. – С. 6.

² Кулажникова С.С. Торговля женщинами в целях сексуальной эксплуатации как проявление аномии в современном российском обществе: социологический анализ: автореф. дис. ... кан. социолог. наук. – Владивосток: ВГУ, 2009. – С.11.

³ Зайберт Н.С. Государственная политика противодействия торговле людьми в странах Северной Европы: на примере Норвегии и Дании. диссер. кандидат политических наук. -Санкт-Петербург. 2012. Синицын Ф.Л. Международное законодательство по проблеме торговли людьми. – Премь: «Типография купца Тарасова», 2000. Вилкс А. Торговля людьми и органами человека: криминологические, политические и социальные проблемы. -Рига. 2005. Becker G. Crime and Punishment: An Economic Approach // The Journal of Political Economy, Vol. 76, No. 3, 169-217, as cited in Schoelenhardt, 1999, p. 204. Ароновец А. и др. Анализ торговли людьми как бизнес – модели: путь к более эффективному предотвращению преступления. Издано Бюро Специального представителя и координатора ОБСЕ по борьбе с торговлей людьми. - Австрия, 2011. – С. 28. Jeltsje Cusveller. Compensation for victims of human trafficking: inconsistencies, impediments and improvements.– Амстердам: Faculty of Law, VU University Amsterdam. 2015. –С.84. Тюрюканова Е.Женская трудовая миграция. <http://www.demoscope.ru/weekly/2005/0201/analit04.php>. 22.05.2005.

Бундан ташқари, муаллиф ўз илмий ишида биринчилардан бўлиб танаъзоларининг сотилишини ҳам одам савдоси жиноятлари доирасига киритиб тадқиқот олиб борган. Мутахассиснинг тадқиқотида одам савдоси жиноятлари ўсиб кетишининг асосий сабаблари, ушбу жиноятнинг, ҳамда одамларни ёллашнинг босқичлари, унинг иштирокчилари ҳамда нима сабабдан асосан аёллар ушбу жиноят жабрланувчисига айланаётганлигининг ижтимоий сабабларини ёритиб берган.

Халқаро уюшган жиноятчилик бўйича мутахассис Л.Шеллининг илмий мақоласида, одам савдосига ихтисослашган жиноий уюшмалар ўз жиноят моделларини донор мамлакатлари географияси ҳамда тарихий-маданий омиллардан келиб чиққан ҳолда яратилишини, шунингдек, ҳудуд географияси “тирик товар”ни транспортировка қилиш шартларини белгилаб беришини кўрсатган¹.

Мавзуга оид илмий тадқиқот ишларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Фарб тадқиқотчилари томонидан ўрганилган ишларда асосий қарашлар шахвоний мақсадларда аёллардан ва болалардан фойдаланиш мавзусига қаратилган бўлса, Постсовет ҳамда Осиё минтақаси тадқиқотчиларининг илмий ишларида меҳнат эксплуатацияси мавзуси ҳам олдинги ўринларда турганлигини кўришимиз мумкин. Шунини ҳам айтиш жоизки, Ўзбекистонда одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари комплекс жараён сифатида атрофлича ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикасида одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- одам савдоси жабрланувчисининг тушунчасига оид халқаро ва миллий ёндашувларни таҳлил қилиш;

¹ Shelley L. Trafficking in Women: The Business Model Approach // The Brown Journal of World Affairs, Vol. X No. I (2003).

- Ўзбекистонда одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;
- одам савдоси жабрланувчиларини идентификация қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва ролини очиқ бериш;
- Ўзбекистон Республикасида одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд муаммолар аниқлаш;
- Одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

Тадқиқот объекти. Одам савдосидан жабрланган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёни.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистонда одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Тадқиқотнинг асосий методологик асоси сифатида тизимли ёндашув белгилаб олинди. Ушбу ёндашув Ўзбекистонда одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида тизим сифатида қараш ва шу аснода унга таъсир қилувчи тизимости элементларни чуқурроқ таҳлил қилиш имкониятини яратиб беради.

Тадқиқот давомида тизимли, қиёсий, ретроспектив ва терминологик таҳлил, эксперт сўрови, анкета сўрови, интервью методлари, шунингдек, умумилмий методлардан анализ, синтез ва таснифлаш турларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси: Ўзбекистонда одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид вазият ушбу соҳадаги миллий қонунчилик тизимини ҳамда ташкилий асосларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Биринчидан, миллий қонунчиликда ишлатилиб келинаётган айрим сўзларни терминологик таҳлил қилиш орқали “эксплуатация” сўзи ўрнига “фойдаланиш” сўзининг қўлланилиши хато эканлиги илмий асослаб берилди.

Иккинчидан, халқаро ва миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида айрим қонунчилик нормаларига ўзгартириш киритиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасидан халқаро меъёрлар ва ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган тавсиялардан қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш, аёллар савдоси жиноятига қарши курашиш йўналишида профилактик тадбирларнинг самарадорлигига эришиш ҳамда одам савдосидан жабрланган шахсларга мақсадли ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, мазкур магистрлик ишидаги фикр ва мулоҳазалар ҳамда хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси тингловчиларининг келгусидаги изланишлари учун қўшимча материал сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, 6 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

І БОБ. ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ-АСОСЛАРИ

1.1. Одам савдоси жабрланувчилари тушунчасига оид халқаро ва миллий ёндашувлар таҳлили

Сўнги йилларда илм, техника ва ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиши шароитида халқаро миграция жараёни ҳам анча тез фаоллашиб, фуқароларимиз томонидан ҳар хил давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва ўқиш имкониятлари юзага келмоқда. Аммо, халқаро ҳамжамиятда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда трансмиллий жиноятлар сонининг кўпайиши ҳам кузатилмоқда. Одам савдоси жинояти ҳам ана шундай жиноятлар туркумига киради.

Бугунги кунда одам савдоси кўпчилик давлатлар учун миллий хавфсизликка таҳдид солувчи, иқтисодиёт, жамиятнинг ижтимоий пойдевориغا путур етказувчи ва давлатнинг сиёсий имижига катта зиён етказувчи трансчегаравий хавф сифатида намоён бўлмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотиغا кўра, бугунги кунда дунёнинг 118 та мамлакатида 136 дан ошиқ миллат вакиллари ташкил қилувчи 20 миллиондан кўпроқ киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Миграция бўйича ташкилотнинг маълумотларига кўра, одам савдосидан жабр кўрганларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади¹.

Умумий кўринишда, одам савдоси механизмида иштирок этувчи мамлакатлар шартли равишда уч хил турга бўлиниши мумкин:

1) донорлар, яъни **“тирик товар”**ни етказиб берувчи давлатлар. Шунингдек, бундай мамлакатларни **“етказиб берувчи”**, **“экспортёр”** деб ҳам аташ мумкин.

¹ Отчёт ООН: 118 странах мира торгуют людьми. www.un.org/russian/news.

2) **рецепиентлар**, яъни ҳудудида одам савдоси жабрланувчилари эксплуатация қилинувчи давлатлар. Бундай мамлакатлар “истеъмолчи”, “тайинлов”, “қабул қилувчи” ва “импортёр” деб ҳам номланади.

3) **транзит** мамлакатлари, яъни ҳудуди орқали одамлар трафиги амалга оширилувчи мамлакатлар.

Ушбу таснифга кўра, Ўзбекистон Республикаси бир вақтнинг ўзида **ҳам донор, ҳам транзит мамлакат** туркумига киради¹.

Бугунги кунда одам савдоси муаммоси олимлар ва тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилаётганлигига қарамасдан, айнан одам савдоси жабрланувчиси бўйича фундаментал тадқиқотлар етарлича эмас. Одам савдоси жабрланувчиси тушунчасига оид ҳуқуқий таърифларни кўриб чиқишдан аввал унинг тарихий илдизи бўлмиш қул тушунчасига тўхталиб ўтишимиз лозим.

Қул савдосини тугатишга қаратилган биринчи халқаро шартнома сифатида 1815 йилда қабул қилинган **“Қул савдосига барчанинг чек қўйиши тўғрисида”ги декларация** эътироф этилади. Ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади Атлантика минтақасида қул савдосини тугатиш ҳамда Европа ва АҚШ колонияларидаги қулларни озод қилишга қаратилган.

Кейинчалик 1926 йилда Миллатлар Лигаси Кенгаши томонидан Женевада қабул қилинган **“Қуллик тўғрисида”ги Конвенциясига** мувофиқ одам савдосининг қуллик кўринишидаги илк тушунчасига халқаро таъриф берилган. Унга кўра, “қуллик бу инсоннинг шундай ҳолати ёки аҳволики, унинг устидан эгалик ҳуқуқининг белгилари ёки уларнинг баъзилари амалга оширилади”. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрларига кўра, ушбу ҳужжат соҳадаги биринчи универсал халқаро битим ҳисобланади².

Қулчилик ва одамларнинг эрксиз ҳолатига қарши кураш Иккинчи жаҳон урушидан кейин инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилиниши

¹ Исламов Т.М., Акбарходжаев Д.А., Юлдашев С.Р. Одам савдоси ва унинг глобал хавфсизликка таҳдиди. Монография. – Т.: СТИБОМ. 2012. – Б. 38.

² Қуллик тўғрисидаги Конвенция // Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича нормативҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – Б. 239.

билан фаоллаша бошлади. Декларациянинг 4-моддасига мувофиқ ҳеч ким кулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, куллик ва кул савдосининг барча кўринишлари тақиқланиши белгилаб қўйилган¹.

БМТ ташкил топганидан сўнг, 1956 йилда Женевада “Куллик ва кул савдосини, кулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида”ги қўшимча конвенциянинг қабул қилиниши халқаро оммага кул тушунчаси ва куллик билан боғлиқ муносабатларни батафсил ёритиб беришга пойдевор бўлди. Конвенцияда “эрксиз ҳолатдаги шахс” яъни “кул” тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унда қуйидаги институт ва урф-одатлар натижасида юзага келган ҳолат ва вазиятдаги шахс тушунилади:

а) қарздорлик асорати, яъни қарздор томонидан ўзининг шахсий меҳнати ёки унга қарам шахснинг меҳнат қарзини таъминлаш гаров оқибатида пайдо бўладиган вазият ёки аҳвол, агар бажариладиган ишнинг лозимлиги белгиланадиган қиймати қарзни қоплаш учун ҳисобланмаса ёки агар шу ишнинг давомийлиги чекланмаса ва унинг хусусияти аниқланмаса;

б) инсонларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эгалик қилиш ҳуқуқи, яъни ердан шундай фойдаланишки, ундан фойдаланувчи қонун, одат ёки битим бўйича бошқа шахсга тегишли ерда яшаши ва ишлаши ҳамда шундай бошқа шахс учун ёхуд мукофотлаш учун ёки бусиз муайян иш бажариш шарт ва ўзининг бу ҳолатини ўзгартира олмайди;

в) исталган институт ва одат бўлиб, улар кучига кўра:

- аёлни унинг томонидан рад қилиш ҳуқуқисиз унинг ота-онаси, оиласи ёки исталган бошқа шахс ёки шахслар гуруҳи пул ёки натурада мукофот учун эрга беришни ваъда қиладилар ёки берадилар;

- аёлнинг эри, унинг оиласи ёки унинг уруғ-аймоғи уни бошқа шахсга мукофот учун ёки бошқача тарзда бериш ҳуқуқига эга;

- аёл эри ўлгандан кейин мерос бўйича бошқа шахсга ўтказилади;

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – Б. 23.

- исталган институт ёки одат бўлиб, улар кучига кўра бола ёки 18 ёшдан кичик ўсмир ота-онасидан бири ёхуд иккаласи ёхуд ўзининг васийси томонидан бошқа шахсга мукофот эвазига ёки бусиз шу бола ёхуд ўсмирни, ёки унинг меҳнатидан фойдаланиш мақсадида берилади¹.

Халқаро шартнома ўзининг 3 та хусусияти билан жаҳон ҳамжамиятига янгилик олиб кирди. Биринчидан, ушбу ковенцияда қуллик билан бир қаторда “қул” тушунчасига алоҳида таъриф бериб ўтилганлиги; иккинчидан, халқаро ҳамжамиятда биринчи бўлиб ушбу халқаро ҳужжатда объектив равишда намоён бўлувчи ҳақиқий қуллик билан биргаликда қулликка ўхшаш институтлар ва одатларнинг аниқ белгилаб берилганлиги; учинчидан, унинг императив (мажбурий) хусусиятга эга эканлиги ва давлатлар зиммасига маълум бир мажбуриятларнинг юклатилганлиги.

Бугунги кунда айрим мутахассислар томонидан одам савдосининг синоними сифатида “қул савдоси”, “қул меҳнати”, “шаҳвоний қулчилик” ва бошқа тушунчалар кенг қўлланилиб келинмоқда. Одам савдосини “қуллик” тушунчаси билан тенг равишда қўллаш айрим илмий келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Чунки, тарихда қулга эгалик қилиш давлат томонидан рухсат берилган ҳолат бўлиб, ўша даврнинг қонунлари билан қулларнинг ҳуқуқий мақоми берилган ва қул меҳнатидан фойдаланиш қонун билан тақиқланмаган. Қул тушунчасининг асл мазмуни ва моҳияти бугунги даврга мос келмайди².

Бугунги кунда замонавий халқаро ҳужжатлар ва аксарият мамлакатларнинг қонунчиликларида “одам савдосидан жабрланган шахс” тушунчаси аниқ белгилаб берилган. Албатта, бадий ва публицистик услубларда “одам савдосидан жабрланган шахс”ни “қул” деб аташ орқали ушбу тушунчанинг шакли ва мазмунини унчалик бузмаслик мумкин. Лекин,

¹ Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча Конвенция // Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – Б. 244.

² Исламов Т.М., Акбарходжаев Д.А., Юлдашев С.Р. Одам савдоси ва унинг глобал хавфсизликка таҳдиди. Монография. – Т.: СТИБОМ. 2012. – Б. 12.

расмий услубда ва мақсадли илмий тадқиқотларда “одам савдосидан жабрланган шахс” деб аташ мақсадга мувофиқ саналади.

Фанда жабрланувчи, шунингдек бирор нарса оқибатида жафо тортган ёки зарар кўрган одам ҳаёти ва мақоми виктимология йўналишида ўрганилади. Виктимология (лот. *victima* – қурбон, юнон. *logos* - таълимот) криминология соҳасида жиноят қурбонларини тадқиқ этувчи илмий йўналиш саналади.

Криминологик виктимологияда жабрланувчиларни ўрганишда асосан “жиноят қурбони” ва “жиноят жабрланувчиси” деган айнан ўхшаш бўлган тушунчалардан фойдаланилади.

Виктимологик маънода “жиноят қурбони”ни ифодалайдиган асосий иккита ёндашув мавжуд. Биринчи тушунчанинг тарафдорлари Л.В.Франк, В.Я.Рыбальская, В.П.Коновалов каби олимлар бўлиб, улар жиноят натижасида бевосита ёки билвосита зарар етказилган одам ёки муайян одамларнинг умумийлиги деган тушунчани илгари суради. Ғарб виктимологиясида олимлар жабрланувчи тушунчасига жисмоний ва юридик шахс билан бир қаторда жамият, давлат ва халқаро тартиботни ҳам киритади. Иккинчи тушунчанинг тарафдори Д.В.Ривман бўлиб, у бевосита жиноят натижасида жисмоний, маънавий ёки моддий зарар етказилган жисмоний шахс деган тушунчани илгари суради¹.

Виктимология соҳаси “жиноят қурбон”ларини потенциал (реал зарар етказиш хали юз бермаган), реал (зарар кўрган) ва латент (реал зарар кўрган, лекин у ёки бу сабабларга кўра расмий ҳисобга киритилмаган) турларига ажратади. Виктимология учун латент турдаги қурбонлар, яъни била туриб уларга етказилган зарарни ошкор қилишдан қочадиган қурбонлар алоҳида ўрин тутуди².

Шахсининг виктимлигини оширадиган, яъни одам савдоси қурбони бўлиш эҳтимолига таъсир қиладиган бир қатор объектив ва субъектив

¹ Шинкевич Н.Е., к.ю.н., доцент кафедры уголовного права и процесса Смоленского гуманитарного университета. К вопросу о соотношении понятий «жертва преступления» и «потерпевший». – С. 4. http://library.shu.ru/publications_shink.shtml

² Бумаженко Н.И. Виктимология. Учебно-методическое пособие. Витебск. 2010. – С. 17.

характердаги омиллар мавжуд. Мазкур омилларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб таснифлаш мумкин. **Биринчи гуруҳга** одам савдоси қурбонининг шахсий хислат ва белгилари (биофизиологик, ижтимоий-демографик, ахлоқий-психологик) киради. **Иккинчи гуруҳга** эса одам савдоси қурбонининг хулқ-атвори, шунингдек одам савдоси қурбони билан одам савдоси билан шуғулланувчи шахснинг ўзаро муносабатлари киритилади. Юқоридаги гуруҳларга асосланган ҳолда одам савдоси қурбонининг қуйидаги белгиларини келтириб ўтиш мумкин.

Ижтимоий-демографик белгилари. Одам савдоси қурбонлари асосан аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар, ақли заиф шахслар ва мигрантлардан ташкил топади.

Ахлоқий-психологик белгилари. Руҳий сиқилиш (депрессив) ҳолатидаги одам савдоси қурбонлари. Бундай шахслар ўзини-ўзи сақлаш инстинкти паст ёки умуман маҳрум бўлган шахслар зулм ва алдашга енгил дучор бўлади.

Очкўз одам савдоси қурбонлари. Бундай шахслар тезда бойиб кетишга ҳаддан ташқари интилиши, ҳаётини тажриба ва бошқа сабабларга кўра ақлини йўқотган ҳолда одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларга енгил ўлжа бўлади.

Ёлғиз ва бошига мусибат тушган одам савдоси қурбонлари. Ёлғизлик одамнинг ақлий фаолияти лаёқатининг заифлашишига олиб келади, шу сабабли бундай шахс одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларга енгил ўлжа бўлади.

“Стокгольм синдроми”га¹ эга одам савдоси қурбонлари. Шундай одам савдоси қурбонларининг ҳимоя реакциялари одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар билан бўлган узоқ ва доимий ўзаро муносабатлари туфайли яроқсиз бўлиб қолади.

¹ Стокгольм синдроми – босқинчи (ўғирловчи)ларнинг таъсири остида узоқ вақт давомида бўлиши натижасида жабрланувчининг уларга майл бўлиб қолиши, уларни яқин одами сифатида тан олиши ва уларга хайрихоҳлик билдириши. <http://www.psychologos.ru/articles>

Қайта ўзгарган одам савдоси қурбонлари. Бундай одам савдоси қурбонларининг ўзлари кейинчалик турли сабаб ва мотивлар таъсири остида одам савдоси жиноятига қўл ўрадилар¹.

Шу билан бирга, одам савдоси жабрланувчиларининг ўзига хос хусусиятлари ва жабрланувчиси ва одам савдоси билан шуғулланувчи шахс ўртасидаги муносабатлар ҳамда имкон яратувчи шарт-шароитларни бир қатор назариялар ўрганади.

Хусусан, **“Рационал танлаш”** назариясига кўра, одам “савдогарлари” одам савдоси “бозори”даги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, потенциал жабрланувчиларни топади ва ёллади. Ушбу талабларга жабрланувчиларнинг ёши, жинси, физиологик ҳолати, ташқи кўриниши, касбий кўникмалари ва бошқа жиҳатлар киради. Одам савдоси жабрланувчиларини идентификация ва реабилитация қилишда ҳам жиноятларнинг айнан ана шу тактикасидан келиб чиқиб ёндашиш ушбу назариянинг асосий мазмуни ҳисобланади².

“Нейтраллашув” назариясида одам савдоси жинояти доирасида шахслар шахвоний эксплуатация қилишга ўз хоҳишини беради. Бундай хоҳишнинг шаклланишига уларнинг жавобгарлик мавжудлигини ва ўзига жабр етказаётганлигини тан олмаслик ҳамда ўзининг бундай ҳаракатларини асослашга оид ички туйғулари сабаб бўлади.

Мазкур назариянинг мазмуни – бундай тоифадаги шахсларни аниқлаш ва реабилитация қилишда уларнинг худди шундай психологик дисбалансидан келиб чиқиб ёндашишдан иборатдир³.

“Эскирган, қолоқ ҳаракатлар” назариясига кўра, одам савдосини содир этувчи жиноий гуруҳлар “макон ва вақт” принциpidан келиб чиқиб ёндашади ҳамда айни пайтда давлатда мавжуд бўлган назоратсизлик ва ижтимоий омиллардан келиб чиқиб одам савдосининг потенциал

¹ Типологический подход при производстве по уголовным делам о торговле людьми. Научнопрактическое пособие. Под редакцией к.ю.н. Смирнов Г.К., М.: 2009. – С. 34.

² L. Siegel, *Criminology: Theories, Patterns and Typologies* (8th edn.; Belmont: Wadsworth, 2004).

³ G. Sykes and D. Matza, “Techniques of Neutralizations”, in F. T. Cullen and R. Agnew, *Criminological Theory* (Los Angeles: Roxbury Publishing Company, 2003).

жабрланувчиларини ёллайди. Ушбу назарияга кўра, реабилитация жараёни давлатдаги ушбу назоратсизлик ва мавжуд ижтимоий муаммоларни минималлаштиришни тақозо этади¹.

Замонавий халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши билан жиноят жабрланувчисининг мақоми ва ролининг муҳимлигини 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш жабрланувчилари учун одил судловни амалга оширишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Декларация тасдиқлаб берди.

Мазкур ҳужжатга кўра, жабрланувчи деганда, қонунларни бузувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида индивидуал ёки коллектив зарар етказилган шахс тушунилади. Ҳуқуқбузар аниқланган, ҳибсга олинган ёки ҳукм этилган, шунингдек ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг қариндошлик муносабатларидан қатъи назар у ёки бу шахс жабрланувчи ҳисобланади. Айрим ҳолатларда “жабрланувчи” терминига бевосита жабрланувчининг қариндошлари ва қарамоғида бўлган одамлар, шунингдек жабрланувчига ёрдам кўрсатаётганда жабр кўрган шахслар ҳам киритилади².

Аmmo, шу кунга қадар одам савдоси соҳасига оид қабул қилинган халқаро ҳужжатларда айнан одам савдосидан жабрланган шахслар тўғрисида аниқ бир таъриф белгилаб берилмаган.

Хусусан, 2000 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколида³ одам савдосига таъриф берилган, бироқ

¹ M. Felson and R. V. Clarke, Opportunity Makes the Thief (United Kingdom: Home Office, 1998), <<http://www.homeoffice.gov.uk/rds/prgpdfs/fprs98.pdf>>.

² Декларация основных принципов правосудия для жертв преступлений и злоупотребления властью. Принятая резолюцией 40/34 ГА ООН 29 ноября 1985 года. <http://www.un.org/ru/documents>

³ БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи // Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – Б. 164.

унда одам савдоси қурбони ёки жабрланувчининг умумэътироф этилган тушунчаси кўрсатиб ўтилмаган.

Бундан ташқари, 2008 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида ҳам мазкур тушунча назарда тутилмаган эди. Ушбу қонунни қабул қилишда қонун ижодкори юқорида маълум қилинган БМТ меъёрлари ўзгартирилмасдан инкорпорация усули орқали миллий қонунчиликка имплементация қилинган. Бундай тартиб, халқаро ҳамжамиятда одам савдосига ихтисослашган уюшган жиноятчиликка қарши кураш тизимини такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик даврида бошқа мамлакатлар билан халқаро-ҳуқуқий ва сиёсий келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсади билан асосланади.

Аммо, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги янги таҳрирдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”¹ги Қонуннинг 3-моддасида айнан одам савдоси жабрланувчиси билан боғлиқ бўлган қўидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни кўришимиз мумкин.

Масалан, **одам савдосидан жабрланган шахс бу** – одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахсдир.

Шунингдек, **одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс** – дастлабки идентификация қилиш натижасида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган жисмоний шахсдир.

Амалда эса одам савдосидан жабрланган шахс Жиноят кодексининг 135-моддаси диспозицияси мазмунига кўра, маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказилган деб ҳисоблаш учун етарли далиллар бўлган тақдирда, у

¹ Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 03/20/633/1187-сон;

суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига асосан жабрланувчи деб эътироф этилади¹.

Одам савдоси жабрланувчисига оид халқаро ташкилотлар ва айрим давлатларнинг меъёрий ҳужжатларида берилган таърифлардан келиб чиқиб уларни тор ва кенг тушунчаларда кўриб чиқишимиз мумкин.

Тор тушунча. Мазкур тушунчада одам савдоси жабрланувчисига умумий таъриф берилган бўлиб, унда одам савдоси жабрланувчисини аниқлашнинг алоҳида тартиблари белгиланмаган.

Хусусан, 2005 йилдаги Европа Кенгашининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясига мувофиқ одам савдосига дучор этилган ҳар қандай жисмоний шахс “одам савдоси жабрланувчиси” деб топилади².

1998 йилдаги Италиянинг “Одам савдоси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ “одам савдоси жабрланувчиси” ўз хоҳиши билан бир жойдан бир жойга кўчиш имкониятига эга бўлмаган ва одатда қуллик шароитида сақланадиган шахсга айтилади³.

2005 йилдаги Озарбойжон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ “одам савдоси жабрланувчиси” деганда одам савдосидан жабрланган ёки тахминан жабрланган шахс тушунилади⁴.

Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон Республикалари қонунларига кўра, шахс ёллаш, ташиш, топшириш, сотиш натижасида, унинг розилиги мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар одам савдосидан жабрланган шахс деб тан олинади⁵.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/acts/111453>

² Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013. – Б. 301.

³ Сборник методических и аналитических материалов по вопросам противодействия торговле людьми в России. Москва.

⁴ Закон Азербайджанской Республики О борьбе с торговлей людьми. 2005.

⁵ Закон Кыргызской Республики О предупреждении и борьбе с торговлей людьми. 2005. Закон Республики Таджикистан О борьбе против торговле людьми.. 2004. Закон Туркменистана О борьбе с торговлей людьми. 2007.

Кенг тушунча. Мазкур тушунчада одам савдоси жабрланувчисини аниқлашнинг алоҳида тартиблари белгиланган ва жабрланувчи шахслар кенгайтирилиб кўрсатилган.

Хусусан, 2010 йилда БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Намунавий қонунида “одам савдоси жабрланувчиси”нинг асосан икки хил тушунчаси берилган.

Биринчиси, мазкур қонуннинг айрим моддалари учун белгиланган бўлиб, ҳуқуқбузар аниқланган, ҳибсга олинган ёки ҳукм этилганидан қатъий назар одам савдоси объектига айланган ҳар қандай жисмоний шахс тушунилади.

Иккинчиси, кўпчилик моддалар учун белгиланган бўлиб, унда ҳар қандай жисмоний шахс ёки ҳар бир давлатнинг миллий мувофиқлаштирувчи органи томонидан одам савдоси жабрланувчисини идентификация қилиш бўйича ўрнатилган миллий раҳбарий принцип ёки процедураларига мувофиқ идентификация қилинган шахслар тушунилади¹.

Биринчи тушунчада одам савдоси жабрланувчиси мақомини аниқлашда паст чегаравий талабларни белгилайди ва шахсга асосий хизмат ва ёрдамларни олишга ҳуқуқ беради. Иккинчи тушунчада эса одам савдоси жабрланувчиси мақомини аниқлашнинг юқори чегаравий талаблари белгиланган ва у ҳукумат томонидан белгиланган раҳбарий принциплар орқали амалга оширилади.

2011 йилдаги Украинанинг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонунига кўра, одам савдосининг объектига айланган ва қонун қоидаларига мувофиқ тан олинган ҳар қандай жисмоний шахс тушунилади. Одам савдосидан жабрланган шахс мақомини аниқлаш жараёни бу - ваколатли шахснинг олинган маълумотлар ва унинг таҳлилига асосан шахсга нисбатан содир этилган ҳаракатларни одам савдоси тавсифлари билан солиштириш, шундай қилмишнинг шахсга нисбатан содир этилган эҳтимоллигини баҳолаш

¹ Типовой закон о борьбе с торговлей людьми. Управление ООН по Наркотикам и преступности. Вена. 2010.

ва мазкур шахснинг одам савдосидан жабрланган шахс ҳисобланиши тўғрисида хулоса чиқариши билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларга айтилади¹.

Шунингдек, 2012 йилдаги Беларуссия Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ мамлакат фуқароси билан бир қаторда одам савдоси ёки унинг билан боғлиқ жиноят содир этилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам “одам савдоси жабрланувчиси” деб топилади².

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, одам савдоси муаммо сифатида қанчалик узоқ даврлар билан боғлансада ундан жабр кўрганларга нисбатан яхлит тушунчани шакллантириш мураккаблигича қолмоқда.

Халқаро ташкилотлар ва айрим давлатларнинг меъёрий ҳужжатларида одам савдоси жабрланувчисига берилган таърифлардан келиб чиқиб, бугунги кунда одам савдосидан жабрланган шахсга кўпроқ “одам савдосида айбланаётган шахс аниқланган, ҳибсга олинган ёки ҳукм этилганидан, шунингдек унга нисбатан содир этилган ҳаракатларга жабрланувчининг розилиги мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар одам савдоси объектига айланган ҳар қандай жисмоний шахс” таърифини бериш одам савдоси жабрланувчисинининг ижтимоий-ҳуқуқий мақомига мос келади.

1.2. Ўзбекистон Республикасида одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Жаҳонда ахборот коммуникация технологияларининг тараққиёти давлатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тафовут, ишсизлик ва қашшоқликнинг ўсиши, улар ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг ҳамда трансмиллий жинорий ташкилотларнинг фаоллашуви натижасида одам

¹ Закон Украины О противодействии торговле людьми. Киев. 2011.

² Закон Республики Беларусь О противодействии торговле людьми. Минск. 2012.

савдосининг кўлами кенгайиб, инсоният тараққиёти ва хавфсизлигига таҳдид солаётганлиги боис, унга қарши курашишнинг халқаро ва миллий механизмларини такомиллаштириш объектив заруриятга айланди.

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ тизими миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади. Албатта, улар миллий ҳуқуқий ҳужжатлар тизими сифатида ўзига хос бўлиши табиий. Миллий ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ҳар бир давлатнинг ички ва мустақил равишда қабул қиладиган ҳужжатлари ҳисобланади. Бу тизим халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари асосида вужудга келтирилиши мумкин.

Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш борасидаги мақсадли ислохотларни уч йўналишда шаклланганлигини кўриш мумкин:

1. Одам савдосига қарши курашишга оид халқаро-ҳуқуқий базасининг такомиллашганлиги;
2. Одам савдосига қарши курашиш борасида янги қонунчилик тизимининг шаклланганлиги;
3. Одам савдосига қарши курашишнинг институционал асослари яратилганлиги.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга умумсодикликни намойиш қилган ҳолда, одам савдосига қарши курашга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини тўла қўллаб-қувватлаб, бу борадаги қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ратификация қилинди:

1. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрдаги 366-ХП сонли Қарори билан қўшилган);
2. “БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция” (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли Қарори билан қўшилган);

3. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт” (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 127-I-сонли Қарори билан ратификация қилинган);

4. “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Конвенция” (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 87-I-сонли Қарорига биноан қўшилган);

5. “Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида Конвенция” (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 498-I-сонли Қарори билан ратификация қилинган);

6. “БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция” (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги 536-II-сонли Қарори билан ратификация қилинган);

7. “БМТнинг Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланишига қарши кураш тўғрисида Конвенция” (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрдаги 576-II-сонли Қарори билан қўшилган).

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси одам савдосига қарши кураш борасида 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, хорижий давлатлар билан 29 та шартнома келишувларни имзолади.

2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрь куни 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги протоколини ратификация қилди¹.

Ушбу протоколнинг мақсади – одам савдосига алоҳида эътибор берган ҳолда у билан курашиш, бундай савдо жабрланувчиларини уларнинг инсон

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Ньюйорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 08.07.2008 й. <https://lex.uz/ru/docs/1369781>

ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилган ҳолда ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш, иштирокчи давлатлар ўртасида ҳамкорликни рағбатлантиришдан иборат.

Таъкидлаб ўтилган халқаро шартномалар орасида БМТнинг одам савдосига оид факультатив баённомаси Ўзбекистонда одам савдосига қарши кураш сиёсатини фаоллаштиришга туртки бўлди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти экспертларининг маълум қилишича, Баённомада одам савдосига нисбатан берилган универсал тушунча замонавий одам савдоси муаммосини тўлиқ ифода қилиб берувчи ижобий жиҳатларни ўзига қамраб олади. Биринчидан, ушбу ҳужжатда одам савдоси жиноий деб топилган. Унинг жиноийлиги мажбурий меҳнат, тутқунлик ҳолати, қуллик ва қулликка ўхшаш одатлар билан чамбарчас боғлиқлигидир. Иккинчидан, ушбу нормалар нафақат аёллар ва болалар, балки ҳар қандай инсоннинг одам савдоси жабрланувчисига айланиши мумкинлигини эътироф этади. Учинчидан, универсал таъриф жабрланувчининг давлат чегарасидан кесиб олиб ўтилишини мажбур деб белгиламайди ва одам савдоси бир мамлакатнинг ҳудудида ҳам содир этилишини истисно қилмайди. Тўртинчидан, баённома жабрланувчининг эркинлигининг баъзи бузилишларини, масалан куч ишлатиш, алдов, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ва бошқа усулларни назарда тутди.

Миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида қуйидаги тадбирларни келтириб ўтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 24-моддасига мувофиқ, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи сифатида эътироф этилади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Конституциянинг 26-моддаси 2-бандида эса, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/35869>

Юқорида таъкидланганидек, эксплуатация қилиш мақсадида одамлар савдоси билан боғлиқ муаммолар давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан долзарб ҳисобланган. Мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоийиқтисодий жараёнлар фониди, хусусан, чегараларнинг очилиши ва аҳоли халқаро миграциясининг кучайиши, шунингдек иқтисодиётдаги ўтиш даври билан боғлиқ қийинчиликлар натижасида криминоген вазиятнинг ёмонлашуви кузатила бошлаган. Аксарият ҳолларда, жабрланувчилар республикадан ташқарига олиб чиқилиб, чет элда ғайриқонуний равишда ушлаб турилган. Айнан шу сабабдан собиқ иттифоқ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддасида шахвоний ёки бошқа мақсадларда эксплуатация қилиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Ушбу модданинг 2 ва 3 қисмларининг диспозицияларида такроран ёки хавfli рецидивист томонидан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; вояга етмаган шахсга нисбатан ва ўша ҳаракат ёлланган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этилган.

Юқорида кўрсатилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашнинг ўзига хос миллий тизими яратилди.

Жумладан, 2008 йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Қонунни ишлаб чиқишда халқаро стандартлар билан биргаликда, хорижий мамлакатларнинг одам савдосига оид қонунчилик тажрибаси ҳам эътиборга олинган.

Қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари белгиланган бўлиб, уларга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги,

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги киради.

Одам савдоси жиноятларини содир этганлик учун жавобгарлик масалаларини такомиллаштириш мақсадида 2008 йил 16 сентябрда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унга кўра Жиноят кодекси 135-моддасининг янги таҳрири “Одам савдоси” деб қайта номланиб, бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддасининг эски таҳриридан фарқли ўлароқ, янги таҳририда одам савдоси жиноятининг тушунчаси, турли кўринишлари ва шакллари, уни содир этилиш усуллари жамланган бўлиб, мазкур соҳадаги жиноятларни квалификация қилиш жараёни анча енгиллашди.

Шунингдек, мазкур моддада назарда тутилган ҳаракатлар учун жазо муддатлари ҳам оғирлаштирилганлиги билан бир қаторда ушбу модда халқаро стандартларга мослаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 135-моддасидан ташқари одам савдоси билан боғлиқ бир қатор моддалар мавжуд бўлиб, улар ҳам Республикада ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш, аниқлаш ва унга чек қўйишда алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш (130-модда), фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (131-модда), инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиш олиш (133-модда), одам ўғирлаш (137-модда), зўрлик ишлатиб, ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (138-модда) каби моддаларининг миллий жиноят қонунчилигида мавжудлиги жиноятчиликка қарши курашнинг самарали ва амалий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Одам савдосига қарши курашишнинг институционал асослари қуйидаги тартибда шакллантириб борилди. Одам савдоси жиноятининг юзага келишида

ташқи меҳнат миграцияси омилининг таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Ўзбекистонда меҳнат миграцияси муносабатларини тартибга солиш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, 2001 йилда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этилди. 2003 йил 12 ноябрда эса ушбу Вазирлик қошида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ташкил этилди¹. Ушбу агентлик зиммасига Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий мамлакатларда иш билан таъминлаш, шунингдек уларни аёллар савдоси жабрланувчисига айланиб қолмаслик учун тарғиботташвиқот ишларини ўтказиш вазифалари юклатилди.

“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ 911–сонли “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда ҳудудий идоралараро комиссиялар тузилган. Ушбу комиссия одам савдосига қарши курашувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятини берди².

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги 240-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Марказ 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, одам савдосидан жабрланганларга тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ёрдам бериш, қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитлари яратиш, уларни озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни амалга ошириши белгиланди. Марказ хизматидан одам

¹ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори. 12.11.2003 й. <https://www.lex.uz/acts/246880>

² Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. 05.11.2008. <https://lex.uz/docs/1370056>

савдоси жабрланувчилари 30 кунга қадар ёки зарурият туғилганда 3 ой муддатгача фойдаланишлари мумкин¹.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” бандларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2017 йил 14 март кундаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2833-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан одам савдосига қарши курашишга қаратилган идоралараро комиссия қайта ташкил этилди. Унинг раиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1-ўринбосари, вилоятларда ИИБ бошлиқлари, ишчи орган сифатида Ички ишлар вазирлиги белгиланган².

2018 йилнинг 5 июль куни ПҚ-3839-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллабқувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарма ўз фаолияти давомида хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш вазифаларини бажариши белгилаб қўйилди³.

¹ Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. 05.11.2008. <https://lex.uz/docs/1406847>

² Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. 14.03.2017. <https://lex.uz/docs/3141186>

³ Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. 05.07.2018. <https://lex.uz/docs/3811317>

Ислохотларнинг давоми сифатида 2019 йил 30 июль кундаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5775-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашишнинг янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия қайта тузилди. Эндиликда унинг фаолият доираси бир қанча кенгайтирилиб, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияга айлантирилди. Ушбу комиссияга раислик қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенати раисига юклатилди¹.

Фармон билан Республикада одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳаларини нисбатан ихтисослаштирилди. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссия қошида иккита кичик комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди. Булардан биринчиси Одам савдосига қарши кураш масалалари бўйича кичик комиссия бўлиб, комиссия раиси этиб Ички ишлар вазири белгиланди. Иккинчи комиссия Мажбурий меҳнатга қарши кураш масалалари бўйича кичик комиссия бўлиб, комиссия раиси этиб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири белгиланди. Жойларда ушбу тузулманинг ҳудудий комиссиялари ташкил этилиб, уларга вилоят ҳокимлари бошчилик қилиши белгилаб берилди. Ҳудудий комиссияларига одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги миллий қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Миллий комиссиянинг тақдимномалари ўз

¹ Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 30.07.2019. <https://lex.uz/docs/4616405>

вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш асосий вазифаси этиб белгиланган.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида мамлакатимиз ва жаҳонда юзага келаётган вазият тўғрисида, ушбу жиноят турига алоқадор шахсларни тергов қилиш ва жазолаш ҳамда одам савдоси жабрланувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар йили ахборот тақдим этиш мақсадида Миллий маърузачи институти ташкил этилди. Ушбу вазифа Миллий комиссия раисига (Сенат раиси) юклатилди. Ушбу институтни ташкил этишдан асосий мақсад мазкур соҳада республикада кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ишончли ахборотни кенг жамоатчиликка ва халқаро ҳамжамиятга етказиш, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг дипломатик корпуси ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини жалб этган ҳолда оммавий ахборот воситалари учун мунтазам равишда брифинглар ташкил этишдан иборат.

Шунингдек, одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамжамият билан, ушбу йўналишга ихтисослашган ташкилотлар ва ҳуқуқ ҳимоячилари билан самарали ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни, давлатимизга нисбатан хуружларга қарши тезкор чора кўришни, ҳамда, мазкур соҳада республиканинг халқаро майдондаги миллий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳам устувор вазифалардан ҳисобланади.

Миллий комиссия давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат ишлашларини таъминлаш мақсадида уларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бормоқда. Шунингдек, миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ҳамда бошқа

дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш баробарида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, ушбу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан олиб борилаётган фаолиятга албатта ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шунингдек, одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

II БОБ. ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

2.1. Хорижий мамлакатларнинг одам савдоси жабрланувчилари хуқуқларини ҳимоя қилишга оид тажрибаси

Шахс эркинлиги замонавий ривожланган жамиятнинг энг олий кадриятларидан, шахс дахлсизлигини таъминлаш эса давлатнинг энг асосий функцияларидан бири ҳисобланади.

Одам савдосига муваффақиятли қарши кураш ва жабрланаётган шахсларга ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатиш самараси - ушбу муаммони ҳал қилувчи халқаро ва миллий даражадаги тегишли норматив ҳужжатлар билан таъминланганлигига боғлиқ.

Одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация қилишда БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш Конвенциясини тўлдирувчи одам савдосига қарши кураш Протоколи муҳим роль ўйнайди. Агарда 2003 йилда одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги қонун дунё мамлакатлари учдан бирида мавжуд бўлган бўлса, мазкур Протоколнинг қабул қилиниши натижасида 2008 йилнинг охирига келиб шундай қонун дунё мамлакатларининг бешдан тўртида қабул қилинган¹.

Протоколда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш нормалари белгилаб қўйилган. Жумладан, ҳар бир давлат одам савдосидан жабрланганларни жисмоний, руҳий ва ижтимоий реабилитациясини таъминлаш, шу жумладан, тегишли ҳолларда давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва фуқаролик жамиятнинг бошқа элементлари билан қуйидагиларнинг олиб бориш буйича чоратадбирларни амалга ошириш имкониятини кўради:

- а) лозим даражадаги бошпанани;

¹ Аллахвердиева А. Торговля людьми - транснациональная угроза эпохи глобализации (сравнительный анализ государств Центрального Кавказа). Журнал Кавказ и глобализация. 2009. Том: 3. № 2-3.

б) одам савдосидан жабрланганларга тушунарли бўлган тилда, айниқса, уларнинг қонунчиликда мустақкамланган ҳуқуқларига оид маслаҳат ва маълумотни;

в) тиббий, психологик ва моддий ёрдамни;

г) иш билан таъминлаш, таълим ва касбий тайёргарлик соҳасидаги имкониятларни¹.

Қонунчилик одам савдосига қарши кураш фаолияти, яъни одам савдосини аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш, оқибатларини минималлаштириш, одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш каби ҳар бир йўналишга ўзига хос механизм ва чораларини яратишни тақозо этади. Амалиётда қонун талабларини ижро этишда ким ва қандай қилиб маъсул давлат тузулмаларини хабардор қилиш билан шуғулланиши, қандай қилиб одам савдоси жабрланувчиси мақомини аниқлаш ва зарур ёрдамлар олиш имкониятини таъминлаш, реабилитациядан сўнг жабрланувчиларнинг реинтеграцияси қандай қилиб ва ким томонидан амалга оширилиши ва бошқа масалалар бўйича саволлар юзага келади².

Хорижий мамлакатларнинг одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация қилишга оид қонунчилигини таҳлил қилиш натижасида қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

- одам савдоси жабрланувчиларини тиббий, психологик ва бошқа хизматлар кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларнинг ташкил этилганлиги;

- одам савдоси жабрланувчиларининг иқтисодий имкониятларини кўтариш бўйича иқтисодий ҳаракатердаги чораларнинг кўрилганлиги;

¹ БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш Конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколи//Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – Б. 164.

² Современное состояние выполнения норм национального законодательства в области противодействия торговле людьми в Узбекистане: проблемы и пути решения. Экспертная рабочая группа. Ташкент. 2010. – С.

- мамлакатда давлатнинг юқори мансабдор шахси раҳбарлиги ва назорати остида одам савдоси муаммоси билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган бўлимларнинг ташкил этилганлиги;

- одам савдоси жабрланувчиларига юридик ёрдам кўрсатиш ва бошқа имкониятларни яратиш, шунингдек тергов олди суриштирув ишларини олиб бориш жараёнида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларининг кўрилганлиги.

МДХ ва айрим хориж давлатларининг одам савдоси муаммосига оид қонунчиликлари таҳлил қилиш натижасида айрим умумий тенденцияларни кузатиш мумкин. Энг аввало, одам савдоси барча давлатлар томонидан жиноят сифатида тан олинган ва хавфли жиноятлар қаторига киритилган. Ҳар бир давлатда вазиятдан келиб чиққан ҳолда то умрбод озодликдан маҳрум қилишгача (Молдова) бўлган жазолар белгиланган бўлиб, айрим давлатларда кўшимча чоралар сифатида мулкни конфискация қилиш жазолари ҳам назарда тутилган (Грузия).

Франция тажрибаси

2013 йилнинг январь ойида Францияда одам савдосидан жабрланганларни янада кўпроқ ҳимоялаш мақсадида Аёлларни зўрлик ва одам савдосидан ҳимоя қилиш бўйича идоралараро миссия ташкил этилди. Ушбу миссия французчада қисқача **MIPROF** деб номланди. 2014 йилга келиб Францияда одам савдосига қарши курашишга қаратилган Миллий ҳаракат стратегияси қабул қилинди. Ушбу стратегия учта устувор йўналишни қамраб олди. Яъни одам савдосидан жабрланганлари ҳимоя қилиш, одам савдоси тармоқларини зарарсизлантириш, одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳукумат сиёсатини қабул қилишдан иборат.

2019 йил 18 октябрь куни Франция MIPROF миссияси раҳбарлигида тегишли жамоат бирлашмалари билан биргаликда одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий ҳаракат стратегиясини эълон қилди. Унга асосан Франция ҳукумати томонидан одам савдосига қарши курашишга қаратилган 45 та аниқ чора-тадбирлар режаси тузиб чиқилди. Ушбу йўналишда асосий

амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қаторига одам савдоси ва эксплуатация масалаларини олдини олиш, ёшлар орасида унинг салбий оқибатлари хусусида кенг ва очиқ муҳокамалар ўтказиш, одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш, уларни ҳимоя қилиш ва самарали реабилитациясини амалга оширишнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, вояга етмаганларни одам савдоси жабрланувчисига айланиб қолишларига йўл қўймаслик, жинойий тармоқларни йўқ қилишга қаратилган чораларни кучайтириш, давлат тузилмаларининг миллий ва маҳаллий миқёсдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш киритилди.

2008 йилда Франция Европа Иттифоқининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенциясини ратификация қилди. Европа Иттифоқининг ушбу ҳужжатнинг ижросини кузатиб боровчи махсус орган Одам савдосига қарши курашиш бўйича экспертлар гуруҳини (ГРЕТА) фаолият юритади. Франция ушбу гуруҳ билан конструктив мулоқот қилувчи давлатлар қаторига киради. 2016 йилда гуруҳ аъзолар томонидан Францияга ташриф амалга оширилган.

Франция икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар орқали одам савдосига қарши курашда техник ёрдам ва ҳамкорликни молиялаштиради ҳамда қўллаб-қувватлаб келади. Кўп томонлама ҳамкорлик орқали ҳар йили БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бюроси (UNODC) бюджетига одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ихтиёрий бадаллар тўлаб келади.

Франция давлат томонидан хорижий мамлакатларни ҳам одам савдосига қарши курашиш тизимини молиялаштириш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. 2013 йилда Франция ташқи ишлар вазирлиги ғарбий Африкада одам савдосига қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқди. Ушбу минтақа трансчегаравий одам савдосининг келиб чиқиш, транзит ва қабул қилувчи мамлакатлар “ҳалқаси” мавжуд. Бу ҳодиса Гвинея кўрфазининг 6 мамлакатаида айниқса яққол намоён бўлади. Бу давлатлар Кот-д’Ивуар, Гана, Того, Бенин,

Нигерия ва Камерундир. Ушбу давлатларда одам савдосига қарши курашишни кўллаб-қувватлаш мақсадида 2013-2017 йиллар давомида 800 минг евро миқдорида маблағ ажратди. Бу ҳудудда Мажбурий меҳнат жалб қилиш одам савдосининг энг кўп тарқалган шаклларида ҳисобланади. Жабрланганлар орасида асосан болалар ва аёллар жинсий эксплуатация жалб этиб келинади. Минтақада ноқонуний одам савдосининг турли шакллари ички ва трансчегаравий кўринишлари мавжуд. Ушбу фаолият Европа минтақаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Одам савдоси жабрланувчилари Ғарбий Африкадан Болқон ва Шарқий Европа орқали Ғарбий Европа ҳудудига олиб кирилади. Юқорида санаб ўтилган Африка давлатларида одам савдосига қарши курашишни кўллаб-қувватлаш лойиҳасининг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа тўрт йилга мўлжалланган. Лойиҳани амалга ошириш учун 18 млн евро ажратиш режалаштирилган. Ушбу маблағларнинг 600 минг евроси Франция томонидан ажратилади¹.

Озарбайжон

2004 йилда мамлакат ИИВ тизимида одам савдосига қарши кураш ва жабрланганларни ҳимоя қилиш бўйича маҳсус бошқарма ташкил этилган. Бошқарма одам савдоси билан боғлиқ тезкор-қидирув ва жинойтларни тергов қилиш билан бир қаторда жабрланувчиларни аниқлаш функцияларини ҳам амалга оширади².

Жабрланувчиларни аниқлашга кўмаклашувчи механизмларни яратиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни амалга оширишга қаратилган муҳим ҳужжат қабул қилинган. Бу мамлакат Президенти фармони билан тасдиқланган “2009-2013 йилларга мўлжалланган одам савдосига қарши кураш миллий фаолият режаси”га асосан 2009 йилда мамлакат Вазирлар

¹ Борьба с торговлей людьми. <https://www.diplomatie.gouv.fr/ru/politique-etrangere/prava-cheloveka/lutte-contrela-traite-des-etres-humains/>

² Холщевникова Т. (Россия), Гутаускас А. (Литва). Законодательство в сфере противодействия торговля людьми в Российской Федерации, отдельных странах Европейского Союза и государствах на постсоветском пространстве: сравнительный обзор. 2009.

Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш Тартиби (индикаторлари)” ҳисобланади¹.

Тартибга мувофиқ одам савдоси жабрланувчисини аниқлашнинг асосий методи бу содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликни қонунчиликда назарда тутилган объектив ёки субъектив кўрсаткичлар билан солиштириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу аниқлаш методи шахсни жабрланувчи ёки жабрланувчи эмаслигини аниқлаш, шунингдек таъсир кўрсатиш орқали жалб қилиш, ташиш ёки бошқа қонунга зид ҳаракатлар ишлатилганлигини ойдинлаштиришга шароит яратади.

Тартибда аниқлаш вақтида эътиборга олинishi лозим бўлган ва одам савдоси жабрланувчиси тавсифини намоён қилувчи умумий кўрсаткич (индикатор)лар белгиланган. Шу билан бирга, тегишли органлар томонидан проактив методлар² асосида мамлакатнинг чегарадан кириш-чиқиш ҳудудлари, шахвоний хизмат кўрсатишда шубҳа туғдирувчи жамоат ва кўнгил очар жойларида рейдлар ўтказиш, қурилиш майдонлари, бозор, вокзал ва “қора меҳнат биржа”ларида, оммавий ахборот воситалари ва интернет саҳифаларида рекламаларни мониторинг қилиш, шунингдек одам савдосининг тахминий қурбонлари билан сўровлар олиб бориш тартиблари белгиланган.

БМТ, ЕХХТ томонидан Озарбайжон Республикасида одам савдосига қарши кураш борасида охириги йилларда амалга оширилаётган ишлар ижобий баҳоланган ва минтақадаги энг намунавий давлатлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. АҚШ Давлат департаментининг одам савдоси тўғрисида 2012 йил натижалари бўйича эълон қилинган докладига мувофиқ “алоҳида эътиборли давлатлар рўйхати”дан (2-тоифа - WL) “2-тоифа давлатлар рўйхати”га киритилган. Мамлакатнинг одам савдосига қарши кураш ва жабрланганларни реабилитация қилиш борасида охириги йилларда ижобий

¹ Правила определения жертв торговли людьми (индикаторы). Утвержден постановлением №131 Кабинета Министров Азербайджанской Республики от 3 сентября 2009.

² ХМТ томонидан ишлаб чиқилган халқаро стандартларга кўра, проактив аниқлаш методи бу – одам савдоси жабрланувчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус йўналитирилган нодавлатнотижорат ташкилотлари томонидан аниқ, мақсадли, махсус усуллар орқали қидириш (жабрланувчига айланиш хавфида бўлган шахсларни излаш, уларни аниқлаш имкони мавжуд жойларни таҳлил қилиш, маълумот тўплаш ва ҳ.з.) ҳисобланади.

кўрсаткичларга эришилганлиги ЕХХТ вакили К.Таргай томонидан ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Италия

Италия Европанинг бошқа давлатларига нисбатан одам савдоси боғлиқ бўлган жиноятларни аниқлаш, текшириш ва олдини олиш бўйича мукамал қонунчилик базаси ва ушбу соҳада кўп йиллик тажрибага эга.

Одам савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш 1998 йилдаги “Иммиграция масалалари ва чет элликларнинг яшаш қоидалари тўғрисидаги бирлаштирилган қонун” ва 2003 йилдаги “Одам савдосига қарши кураш чоратadbирлари тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинган. Ушбу қонунларга кўра, одам савдоси жабрланувчисига айланган чет элликларга мамлакатда олти ойгача (бир йилгача узайтириш эҳтимоли билан) яшаш учун маҳсус рухсатнома берилади. Яшаш ҳуқуқи фақат дастлабки тергов ва суд муҳокамаси чузилган ёки жабрланувчи ишга жойлашиши ёхуд таълим дастури асосида ўқаётганлиги сабабли бир йилгача узайтирилади.

Вақтинчалик яшаш ҳуқуқини олган жабрланувчилар судда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ёки ижтимоий ёрдам олиш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар биринчи ҳолатда, жиноят иши бўйича жабрланувчининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳамкорлик қилиши талаб қилинадиган бўлса, иккинчи ҳолатда жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ноҳукумат ташкилотларидан жабрланувчининг номидан ариза берилиши талаб қилинади¹.

Беларуссия

Одам савдосига қарши кураш соҳасида миллий мувофиқлаштирувчи орган ИИВ ҳисобланади. Унинг тузулмасида ихтисослаштирилган 3 та даражадаги: республика, вилоят ва туман хизматлари фаолият юритади².

¹ Холщевникова Т. (Россия), Гутаускас А. (Литва). Законодательство в сфере противодействия торговля людьми в Российской Федерации, отдельных странах Европейского Союза и государствах на постсоветском пространстве: сравнительный обзор. 2009. – С. 32.

² Принимаемые в Республике Беларусь меры по противодействию торговле людьми. <http://mvd.gov.by/ru/main.aspx?guid=76673>

Одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация ва реинтеграция қилишда эса тегишли вазифалар Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликларига юклатилган. 18 ёшдан катта бўлган одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация қилиш Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, 3 ва 18 ёшлар орасидаги одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация қилиш Таълим вазирлиги ва 3 ёшгача бўлган болаларни реабилитация қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасаларида амалга оширилади¹.

Европа давлатларида одам савдоси муаммоси билан боғлиқ қонун ҳужжатлари асосан 20 аснинг 60-70 йилларида қабул қилинган бўлиб, 2000 йилларга келиб мазкур қонун ҳужжатларига жабрланувчиларни аниқлаш ва реабилитация қилиш билан боғлиқ нормалар янгидан киритилган. Европа мамлакатлари бир пайтнинг ўзида ҳам транзит, ҳам истеъмолчи мамлакатлар бўлганлиги боис киритилган қўшимчалар асосан одам савдосига айланган чет эллик фуқароларни аниқлаш ва уларга ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Украина

Украинанинг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонунида² одам савдосидан жабрланган шахс мақомини аниқлашнинг махсус процедураси белгиланган. Қонунга кўра, одам савдосидан жабрланган шахс мақомини аниқлаш процедураси бу - ваколатли шахснинг олинган маълумотлар ва унинг таҳлилига асосан шахсга нисбатан содир этилган ҳаракатларни одам савдоси тавсифлари билан солиштириш, шундай қилмишнинг шахсга нисбатан содир этилган эҳтимоллигини баҳолаш ва мазкур шахснинг одам савдосидан жабрланган шахс ҳисобланиши тўғрисида ҳулоса чиқариши билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларга айтилади.

¹ Холщевникова Т. (Россия), Гутаускас А. (Литва). Законодательство в сфере противодействия торговля людьми в Российской Федерации, отдельных странах Европейского Союза и государствах на постсоветском пространстве: сравнительный обзор. 2009. – С. 68.

² О противодействии торговле людьми. Закон Украины. Ведомости Верховной Рады Украины (ВВР), 2012, N 19-20, - С. 173.

Одам савдосидан жабрланган шахс мақомини аниқлаш процедураси мамлакат Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Жабрланувчи мақомини аниқлашда бажарилиши лозим бўлган шарт бу маҳаллий давлат маъмурияти томонидан жабрланувчи мақомини бериш масаласи кўрилаётган шахс билан махсус сўровнома асосида суҳбат ўтказиш бўлиб ҳисобланади. Жабрланувчи мақомини аниқлаш муддати бир ой бўлиб, унга тегишли тартибда одам савдоси жабрланувчиси мақоми берилганлиги тўғрисида маълумотнома берилади ва ушбу мақом кўпи билан икки йиллик муддатга жорий этилади¹.

Одам савдоси жабрланувчиси мақомини олган шахс шахсий ҳавфсизлиги таъминланишига, бепул ўзига тегишли ҳуқуқ ва имкониятлар ҳақида маълумотлар олишига, шунингдек тиббий, психологик, ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва бошқа зарур ёрдамларни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хитой Халқ Республикаси

ХХРнинг 1997 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида фақат одам савдоси - аёллар ва болалар савдосининг давлат ичида ташиш учун жавобгарлик киритилган. Бошқа ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган. Бироқ, 240-моддасида, яъни “сотиш мақсадида одам ўғирлаш” учун ҳатто оғир жазо, ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ХХР тана аъзолари трансплантация борасида ҳам юқори тажрибага эга давлатлардан биридир.

Ҳозирда Хитойда трансплантация бўйича илмий тадқиқот амалий база шаклланди бўлиб, Хитойнинг лицензияга эга тиббиёт марказларида юқори малакали шифокорлардан ташкил топган жамоа (хирург-трансплантолог, анестезиолог, кардиолог, гастроэнтеролог, диетолог, нефролог, пульманолог, реаниматор иммунолог ва бошқа мутахассислар) томонидан йилига юзлаб мураккаб операциялар ўтказилмоқда. Ҳар йили 300 000 га яқин пациент инсон

¹ Система противодействия торговле людьми в правоприменительной практике зарубежных государств. http://www.0zd.ru/gosudarstvo_i_pravo/protivodejstvie_torgovle_lyudmi.html

аъзоси трансплантацияси ўтказилишига муҳтож бироқ донорлар танқислиги сабабли фақат 10 000 га яқин операция ўтказилмоқда.

Қизил Хоч жамияти мустақил эксперт сифатида Хитойда трансплантацияни назорат қилиш билан бирга донорларни топишга ҳам кўмаклашади. Бироқ, Хитойда инсон аъзолари трансплантацияси ривожланиши билан бирга ноқонуний трансплантация савдоси ҳам ўсиб бормоқда. Шу сабабли, 2007 йилдан инсон аъзолари трансплантациясини фақат яқин қариндошлар (эр-хотин, оила аъзолари, яқин қариндошлар) ўртасидагина ўтказилиши белгиланди.

Ҳозирда Хитойда инсон аъзолари трансплантациясининг асосий манбалари қуйидагилардан: ўлим жазосига ҳукм қилинган маҳкумлардан, бемор ўзининг ёки унинг қариндошларининг розилиги билан олинади. Бироқ, 2014 йилнинг ўрталаридан бошлаб Хитойда ўлим жазосига ҳукм қилинган маҳкумларнинг аъзо ёки тўқималарини трансплантация мақсадида фойдаланишни тақиқлаш ва тиббиёт клиникаларда ҳам маҳкумлар билан бундай операцияни амалга ошириш рад этилиши белгилаб қўйилди.

Грузия

2003 йилда Грузия ИИВ Маҳсус тезкор бошқармаси доирасида одам савдосига қарши курашни амалга оширувчи Одам савдоси ва нолегал миграция бўлими ташкил этилган.

Мамлакат президентининг 2006-2007 йиллардаги фармонларига асосан “Одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация қилишнинг ягона стандарт ва тартиби” ва “Одам савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш ва компенсация тўлаш Йўриқномаси” тасдиқланган¹.

Одам савдоси жабрланувчиларини вақтинчалик бошпана билан таъминлаш, реабилитация ҳамда оила ва жамиятга тўлиқ реинтеграция қилишда ёрдам кўрсатиш “Одам савдосига (трафикинг) қарши кураш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган. Қонунга кўра,

¹ Челидзе Н. Торговля людьми: Грузия, Карим восток – консорциум прикладных исследований по международной миграции. 2013.

жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва ёрдам кўрсатиш бўйича Давлат жамғарма ташкил этилган. Давлат жамғармаси фаолияти устидан назорат Меҳнат, соғлиқ ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Давлат жамғармаси ўз фаолиятида жабрланувчиларга юридик, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатиш, бошпана билан таъминлаш, компенсация тўлаш, “ишонч телефони” ташкил қилиш, реабилитация ва реинтеграция қилишда ёрдамлар кўрсатиш мақсадларини кўзлайди.

Грузия қонунчилигига мувофиқ одам савдоси жабрланувчиси мақомини бериш қарори жабрланувчи мурожаатидан сўнг **48 соатдан** кечиктирмасдан, айнан ушбу мақсадда тузилган “**Доимий ишчи гуруҳ**” томонидан қабул қилинади. Одам савдоси жабрланувчиси мақомини олган шахс вақтинчалик бошпана олиш ва жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқларга тўғридан-тўғри эга бўлади¹.

Молдова

2006 йилдан Молдова Республикаси Меҳнат, ижтимоий ҳимоя қилиш ва оила вазирлиги томонидан Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорликда “Қайта йўналтириш миллий тизими” амалга оширилиб келинмоқда. “Қайта йўналтириш миллий тизими” умумэътироф этилган халқаро стандартларга асосан одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам бериш ва ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳар томонлама ҳамкорликни белгилайди².

Бугунги кунда мамлакатнинг ҳар бир маъмурий-ҳудудий субъектида одам савдосига қарши курашувчи ҳудудий комиссиялар ва одам савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш ва ёрдам берувчи мутахассислардан (оилавий врач, ижтимоий ходим, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи ва прокуратура ходимлари ва бошқа) ташкил топган кўптармоқли ҳудудий

¹ Холщевникова Т. (Россия), Гутаускас А. (Литва). Законодательство в сфере противодействия торговля людьми в Российской Федерации, отдельных странах Европейского Союза и государствах на постсоветском пространстве: сравнительный обзор. 2009. – С. 70.

² Валериу Мошняга. Противодействие торговле людьми: Республика Молдова. Карим восток – Консорциум прикладных исследований по международной миграции. 2013.

гурухлар фаолият юритиб келмоқда. Кўптармоқли худудий гурухлар одам савдоси жабрланувчиларини идентификация қилиш ҳамда реинтеграция давомида зарур ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилишни амалга оширади ¹.

Бельгия

1992 йил Бельгияда Суд полицияси Бош бошқармаси қошида одам савдосига қарши кураш бўйича махсус тузулма ташкил этилган. Вазифаси одам савдосининг барча шакллари аниқлаш, олдини олиш, ушбу соҳага оид махсус методиклар ишлаб чиқиш ва полиция хизмати тизимида тезкор мувофиқлаштирувчи марказ функциясини амалга ошириш ҳисобланади.

Бельгияда чет элликларни ҳимоя қилувчи янги қонун 2007 йилда қучга кирган ва 1980 йилдаги “Чет элликлар тўғрисида”ги қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Қонунга киритилган янги моддалар асосан жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва вақтинчалик мамлакатда яшаш ҳуқуқини бериш тартибларини назарда тутди.

Одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация қилиш чет элликлар билан ишлаш бюроси, полиция ва ижтимоий таъминот хизматлари томонидан 1997 йилда қабул қилинган қўшма директивага асосан амалга оширилади. Директивага асосан мамлакатда ноҳуқумат ташкилотлари томонидан учта: Антверпен (Payoke), Брюссель (Pagasa) ва Льеж (Surya) шаҳарларида жабрланувчиларни реабилитация қилиш марказлари ташкил этилган ва ҳар бир марказ 44 нафар жабрланувчига мўлжалланган. Одатда жабрланувчилар реабилитация марказида олти ой муддатгача бўлиш ҳуқуқига эга ва ушбу муддат тугаши билан ҳар бир жабрланувчи ўзининг доимий яшаш жойига эга бўлиши мумкин. Жабрланувчиларга ҳар ойда молиявий ёрдам (қунига 6 евро) кўрсатилади ва ушбу харажатлар асосан озиқ-овқат ва яшаш тўловларига кетади².

¹ НСП: Национальная система перенаправления для помощи и защиты жертв и потенциальных жертв торговли людьми. Министерство труда, социальной защиты и семьи Республики Молдова. Кишинёв. 2012.

² Холщевникова Т. (Россия), Гутаускас А. (Литва). Законодательство в сфере противодействия торговля людьми в Российской Федерации, отдельных странах Европейского Союза и государствах на постсоветском пространстве: сравнительный обзор. 2009. – С. 19.

Хулоса қилиб айтганда, аксарият МДХ ва хорижий давлатларда одам савдосига қарши кураш борасида жабрланувчиларни реабилитация қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари яратилган ҳамда бугунги кунда ушбу сиёсат ўз самарасини кўрсатмоқда. Хусусан,

- кўриб чиқилган деярли барча давлатларда одам савдосига қарши кураш, олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш билан шуғулланувчи махсус органлар ташкил этилган; - айрим давлатларда (Озарбайжон) одам савдоси жабрланувчиларини аниқлашнинг махсус тартиби (индикаторлари) ишлаб чиқилган. Бу ўз навбатида, жабрланувчиларни идентификация ва реабилитация қилишда муҳим ҳужжат бўлиб саналади. Ҳужжатда одам савдоси жабрланувчисини аниқлаш методлари, аниқлаш вақтида эътиборга олиниши лозим бўлган умумий индикаторлар, шубҳа туғдирувчи жойларда рейд, мониторинг ўтказиш ва тахминий қурбонлар билан сўровлар олиб бориш тартиблари белгиланган;

- айрим давлатларда (Грузия) одам савдоси жабрланувчиси мақомини бериш бўйича махсус орган тузилган. Жабрланувчи мақомини бериш тўғрисидаги қарор 48 соат ичида ҳал қилинади ва ушбу мақомни олган шахс вақтинчалик бошпана олиш ҳамда жинойт-процессуал қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади;

- айрим давлатларда (Украина) қонуний тарзда одам савдосидан жабрланган шахс мақомини аниқлашнинг махсус процедураси белгиланган. Қонунда жабрланувчи мақомини аниқлаш ва ушбу мақомнинг амал қилиш муддатлари белгиланган бўлиб, унга эга бўлган шахс шахсий хавфсизлик, керакли маълумотлар олиш, шунингдек тиббий, психологик, ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва бошқа зарур ёрдамларни олиш ҳуқуқига эга бўлади;

- айрим давлатларда (Молдова) одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация қилишда давлат органлари ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликка катта эътибор қаратилади. Шу билан бирга, одам савдоси жабрланувчиларини идентификация қилиш бўйича қўлланма ишлаб

чиқилган. Бу эса жабрланувчиларни аниқлаш ва реабилитация қилишда муҳим ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

- Европа давлатлари қонун ҳужжатларидаги устуворлик шундаки, реабилитация ёрдами биринчи ўринда одам савдоси жабрланувчисига айланган чет эл фуқароларига кўрсатилади. Уларни реабилитация қилиш учун муҳим шарт бўлиб, одам савдоси жинояти бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам юқорида келтириб ўтилган амалиётларнинг айримларидан фойдаланиш келажакда одам савдосидан жабрланган шахсларни реабилитация қилишда ижобий истиқболларга олиб келиши мумкин.

2.2. Халқаро ташкилотларнинг одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва роли

Ҳар йили дунёда миллионлаб кишилар одам савдоси қурбонига айланмоқда. Бугунги кунда одам савдоси қурбонларининг аниқ сонини келтириш имкони мавжуд эмас. Чунки, у латент жиноятлар туркумига киради. Кўп ҳолларда жабрланувчилар улар билан юз берган ҳолатларни ошкор қилишни хоҳламайди ва бунинг натижасида аксарият одам савдосига оид жиноятларни ўз вақтида аниқлашнинг имконияти мавжуд эмас.

Халқаро шартномалар ва илмий адабиётларда “одам савдоси жабрланувчиларини идентификация қилиш” ёки “одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш” каби тушунчалар синоним сўзлар сифатида қўлланилиб келади¹.

¹ Выявление жертв торговли людьми. Тематическое издание Международного правозащитного центра “Ла Страда”. Март 2006. Выпуск №2. – Б 5.

Идентификация (лот. *identifico*) – предмет, ҳодиса ёки жараёнларни бир-бирига тенглаштириш, икки нарсани айнан деб ҳисоблаш ва унинг бир-бирига мос келишини ўрнатиш каби маъноларни билдиради¹.

Одам савдоси жабрланувчисини идентификация қилиш – тахмин қилинган одам савдоси жабрланувчилари шахсини аниқлаш, текшириш ва эътироф этишни англатади².

Шу кунгача, одам савдоси жинояти таърифидаги элементлар билан одам савдоси жабрланувчисини аниқлаш мезонлари (индикатор) ўртасида алоқани боғловчи ягона тартиб ва тизимли ёндашув ишлаб чиқилмаган.

Ҳар бир аниқ ҳолатда одам савдоси жабрланувчисини аниқлаш жараёни индивидуал тарзда амалга оширилади. Бундан ташқари, айрим адабиётларда асосан жабрланувчиларни истеъмолчи мамлакатда аниқлаш масалалари ёритилган. Шу билан бирга, келиб чиқиш (донор) мамлакатларида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд ва бу ўзига хос хусусиятларга эга.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, одам савдоси жабрланувчисини идентификация қилишнинг халқаро универсал таърифнинг йўқлиги мазкур масала бўйича ушбу соҳадаги халқаро экспертларда ханузгача ягона фикрнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Шунингдек, **“идентификация”** (ингл. **“identification”**) сўзининг ўзи ҳам бир қанча маънога эгалиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мисол учун, айрим мутахассислар “одам савдоси қурбонларини идентификация қилиш” ёки **“жабрланувчиларни идентификация қилиш”** сўз бирикмаларини қўлланиш умуман нотўғри деб ҳисоблайди. Улар жабрланувчини шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва идентификациявий рақам бериш орқали идентификация қилиш тушунчасининг аналогиясидан келиб чиқади.

Аммо, “идентификация” сўзи бошқа маъноларга ҳам эга. “Одам савдоси қурбонларини идентификация қилиш” тушунчаси “айнанлик” (рус тилида

¹ Ефремова Т.Ф. Новый толково-словообразовательный словарь русского языка. <http://www.efremova.info>

² Одам савдосига қарши курашиш бўйича ахборот маълумотнома. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва “Истиқболли авлод” ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида ишлаб чиқилган тарқатма материал. 2012.

*идентичный*¹ - айнан ухшаш, тенг, бир хил) тушунчаси билан узвий боғлиқликда намоён бўлади. Чунки, идентификация жараёнида мутахассис жабрланган шахс билан бевосита юз берган аниқ бир ҳодиса тавсифини одам савдоси жиноятининг расмий таърифи билан таққослайди ва юз берган ҳодиса деталларини қонунда назарда тутилган жиноят белгиларига тўғри келиши ҳақида хулосага келади².

Одам савдоси жабрланувчиларини идентификация қилиш, амалда ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилигида назарда тутилган “одам савдоси” таърифидан келиб чиқиб, одам савдосига қарши кураш сиёсатида иштирок этувчи ваколатли субъектлар томонидан амалга оширилади³.

Нима учун одам савдоси жабрланувчисини идентификация қилиш зарур? Энг аввало, одам савдосининг потенциал жабрланувчиларини тўғри ва эҳтиёткорлик билан аниқлаш - уларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳаётини муҳим ёрдамларга эга бўлишини кафолатлаш, шунингдек одам савдоси жабрланувчисига айланган шахслар манфаатларидан келиб чиқиб одил судловни амалга ошириш имкониятини яратади.

Илғор ҳуқуқий тажрибага эга давлатларда одам савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилишнинг асосий принципи бўлиб – одам савдоси жабрланувчилари виқтимизация ёки одам савдоси предметиға айланган даврида содир қилган жиноятлари учун жиноий таъқиб қилинмаслиги ёки жазоланмаслигининг шартлиги ҳисобланади. Айрим ҳолларда эса, улар билан одам савдоси қурбонлари эмас, балки жиноятчилар каби муомалада бўлишади. Транзит ва истеъмолчи давлатларда улар жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки ноқонуний миграция асосида депортация қилиниши мумкин. Ўз ватанига қайтиб келгандан кейин қалбаки ҳужжатлардан фойдаланганлиги,

¹ Толковый словарь русского языка. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. http://www.lib.ru/dic/ozhegow_e_1.txt

² Выявление жертв торговли людьми. Тематическое издание Международного правозащитного центра “Ла Страда”. Выпуск №2. Март 2006. – С. 26.

³ Торговля людьми: идентификация потенциальных и предполагаемых жертв. Серия публикаций ОСВПД, том 10. Вена, июнь 2011.

мамлакат ҳудудидан ноқонуний чиқиб кетганлиги ёки “ сексиндустрия”даги иштироки учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Одам савдоси жабрланувчиси мақомини белгилашнинг самарали методи бўлиб, барча ҳолат ва мавжуд маълумотларни баҳолаш ҳамда масалани қуйидаги учта томондан кўриб чиқиш ҳисобланади:

- ҳуқуқий контекст;
- жиноят иштирокчилари;
- жабрланувчи.

Ҳуқуқий контекст. Одам савдоси жабрланувчисини идентификация қилиш одатда БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенциясини тўлдирувчи Палермо протоколида берилган таърифга асосланган бўлади.

Унга кўра “**одам савдоси**” - эксплуатация мақсадларида куч ишлатиш хавфи ёки уни қўллаш ёхуд мажбурловнинг бошқа шакллари қўллаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни ёки қарамлик ҳолатини суиистеъмол қилиш ёхуд тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш йўли билан ёхуд шахсни назорат қилувчи бошқа шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш йўли билан инсонларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ва одамларни қўлга киритишни англатади¹.

Жиноят иштирокчилари. Шу ўринда, ушбу одам савдосини содир этувчи жиноий гуруҳ аъзоларини таснифлашда АҚШнинг Терроризм, трансмиллий жиноятчилик ва коррупцияни ўрганиш маркази (TraCCC)нинг методикасига таяниш ўринли бўлади.

Ушбу Марказнинг таснифлашига кўра, одам савдоси жиноятининг иштирокчилари иккига бўлинади:

¹ БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенциясини тўлдирувчи “Одам савдосини, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда уларни содир этганлик учун жазо тайинлаш тўғрисида»ги баённомаси // Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўз. Рес. Бош прок. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида – Т.: «Юрист-медиа маркази». - 2009.-Б.13.

1) “ядро”га мансуб иштирокчилар – бевосита жиноий раҳбарлар, ёлловчилар, олиб ўтувчилар;

2) “приферия”га тегишли иштирокчилар – қўриқчилар, легитимликни таъминловчи шахслар, сохта ҳужжатларни тайёрлаб берувчилар, ижрочилар, жиноий йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш билан шуғулланувчилар. Давлат чегарасини кесиб ўтишда “ядро” аъзолари “приферия” таркибининг расмий кучлари ва имкониятларидан фойдаланади¹.

Жабрланувчи. Одам савдосида жисмоний ва психологик зўравонлик натижасида жабрланувчига айланган шахс. Мигрантларни ноқонуний олиб чиқиб кетишда эса ушбу жиноятнинг жабрланувчилари бошқа мамлакатга чиқиб кетишга ихтиёрий равишда ўз хохишини беради².

Идентификацияни қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан давлат чегарасидан ўтиш вақтида ёки тезкор қидирув тадбирлар натижасида;

- “Долзарб алоқа” ва “Ишонч” телефонлари ёрдамида, шунингдек тарқатма ахборот материаллари, эълонлар ва оммавий ахборот воситалари орқали;

- ижтимоий йўналтирилган режалар ёрдамида (одам савдоси қурбонига айланиш хавфида бўлган шахсларни топиш, аниқлаш).

Одам савдоси жабрланувчиларини идентификация қилиш:

- зарур ёрдамлар олишга имкониятлар яратиш;

- жабрланувчиларни ҳимоя қилиш;

- одам савдосига қарши курашни мақсадли амалга ошириш;

- жамият хавфсизлигини таъминлаш;

- жиноятчиларни таъқиб қилиш ва жазолаш учун муҳим ҳисобланади³.

¹ Исламов Т.М., Акбарходжаев Д.А., Юлдашев С.Р. Одам савдоси ва унинг глобал хавфсизликка таҳдиди. Монография. – Т.: СТИБОМ. 2012. – Б. 68.

² Руководство МОМ. Прямая помощь жертвам торговли людьми. М.: 2010. – С. 19.

³ Дюмина И. Касьяненко Г. Тренинг: противодействие торговле людьми, идентификация пострадавших и работа с ними. Проект “Разработка национального механизма перенаправления пострадавших от торговли людьми (НМП) в Украине”. Д.: 2012

Халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, одам савдосидан жабрланган шахсларни идентификация қилишда асосан иккита муаммо мавжуд:

- ҳақиқий одам савдоси жабрланувчилари кўпинча турли сабабларга (кўрқиш, ошкор қилишни хоҳламаслиги, ҳуқуқий саводсизлиги, менталитет ва бошқа) кўра ўзларини жабрланувчи деб тан олмайди;

- аксинча, бошқа ҳуқуқбузарликлари учун жазодан қочиб қутулиш мақсадида ўзини одам савдоси жабрланувчиси сифатида кўрсатадиган “сохта жабрланувчи”ларнинг пайдо бўлиш хавфи¹.

Одам савдоси жабрланувчиларини идентификация қилишнинг халқаро стандартлари универсал ва минтақавий мақомга эга бўлган халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида бевосита бериб ўтилган².

БМТнинг шарҳлашига кўра, мазкур конвенционал тушунча қўйидаги таянч элементлардан иборат:

фаолият шакллари - ёллаш, ташиш, бировга бериш, яшириш ёки қабул қилиш (бунинг учун конвенционал тушунчага кўра, қилмишда таъкидланган ҳаракатларнинг камида биттаси бўлиши лозим);

эксплуатация мақсади - меҳнат ва сексуал эксплуатация билан бир қаторда фойда келтириши мумкин бўлган бошқа мақсадларга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин:

- тижорат мақсадида бола туғиш;
- ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш;
- инсон аъзоларини трансплантация қилиш (кўчириб олиш) ёки мажбурий донорлик;
- жиноий фаолиятга жалб қилиш;
- қуллик ва унга ўхшаш ҳолатлар;

¹ Тюрюканова Е.В. Торговля людьми в Российской Федерации: обзор и анализ текущей ситуации по проблеме. М.: 2006. – Б. 105.

² БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенциясини тўлдирувчи “Одам савдосини, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда уларни содир этганлик учун жазо тайинлаш тўғрисида»ги баённомаси // Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўз. Рес. Бош прок. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида – Т.: «Юрист-медиа маркази». - 2009.-Б.13.

мақсадга эришиш йўллари - куч билан таҳдид қилиш ёки ишлатиш, ўғирлаш, алдаш ва бошқа усулларидир. Агар кўрсатиб ўтилган воситалар қўлланилган бўлса, бунда режалаштирилган эксплуатацияга қурбонларнинг розилиги эътиборга олинмайди¹.

Шу билан биргаликда, бугунги кунда мажбурий меҳнат оқибатида одам савдоси жабрланувчисига айланган шахсларни идентификация қилишнинг алоҳида халқаро стандартлари мавжуд. Бу борада, БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси – Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан одам савдосининг мажбурий меҳнатда намоён бўлувчи шаклини идентификация қилишнинг қуйидаги кўрсаткичлари ишлаб чиқилган:

- жалб қилинаётган ишга жабрланувчи шахсий розилигининг мавжуд эмаслиги;

- инсоннинг жисмонан ўғирланиши;

- ишлаб чиқариш фаолияти олиб борилаётган жойда жабрланувчини мажбурий ушлаб туриш, тутқунлик;

- психологик мажбурлаш, яъни жазо қўллаш билан таҳдид қилиб бирор ишни бажаришга буйруқ бериш;

- мажбурий қарздорлик (ҳисоб-китобни қалбакилаштириш, нархни ошириш, маҳсулот ва хизматнинг қийматини пасайтириш, процент тўловларини ошириш ва ҳ.к. йўллар билан);

- меҳнатнинг тури ва шартлари тўғрисида алдаш ёки ёлғон маълумот бериш; - иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик ёки умуман бермаслик;

- шахсий ҳужжатлари ва қимматбаҳо буюмларини олиб қўйиш².

Бундан ташқари, 2010 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 64-293-сонли резолюция билан одам савдоси жиноятини бартараф этиш, қарши кураш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатишда аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш мақсадида “БМТнинг одам савдосига қарши

¹ Управление по наркотикам и преступности ООН. Сборник методических пособий по вопросам борьбы с торговлей людьми. Глобальная программа по борьбе с торговлей людьми. Вена. Нью-Йорк. 2008. - С. 3.

² Исламов Т.М., Акбарходжаев Д.А., Юлдашев С.Р. Одам савдоси ва унинг глобал хавфсизликка таҳдиди. Монография. – Т.: СТИБОМ. 2012. – Б. 82.

курашиш борасидаги ҳаракатлари глобал режаси” қабул қилинди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу режани қабул қилиш ташаббуси Ўзбекистон, Россия ва Беларусь давлатлари томонидан билдирилган¹.

Глобал режада кам таъминланган ва минимал турмуш даражасига эга бўлган жабрланувчиларни аниқлаш жараёнлари, жабрланувчиларни аниқлашга жалб этилган ходимларнинг малакасини ошириш ва жабрланувчиларни жавобгарликка тортмаслик бўйича БМТнинг Наркотиклар ва жинойтчилик бўйича бошқармаси ҳужжатларидаги нормалар билан бир хил тарзда ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тавсиялари берилган.

Шунингдек, 2010 йилда Нью-Йорк шаҳрида БМТ қароргоҳида одам савдоси жабрланувчилари, айниқса аёллар ва болаларга ёрдам кўрсатишда сарфлаш учун ихтиёрий тўловлар Мақсадли жамғармасининг ташкил этилганлигини ҳам бу борада олиб борилаётган ишларнинг амалий тус олаётганлигига мисол қилиб келтирса бўлади.

Таъкидлаб ўтилганлардан ташқари, БМТда қуйидаги давлатлардан иборат “Дўстлар гуруҳи” ташкил этилган: Бангладеш, Баҳрайн, Беларусь, Боливия, Венесуэла, Марказий Африка Республикаси, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қатар, Қирғизистон, Ливия, Нигерия, Никарагуа, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Филиппин ва Эквадор. Ушбу гуруҳни тузиш ташаббуси Беларусь томонидан билдирилган ҳамда Россия ва Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланган. Ушбу Гуруҳ аъзо давлатларнинг очик типдаги ноформал ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, уларга одам савдосига қарши курашишнинг глобал режасини амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга муайян шарт-шароитлар яратиб беради.

Одам савдосига қарши кураш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқишда БМТ дастурларини ижро қилиб келаётган Наркотик ва жинойтчилик бўйича бошқармасининг роли муҳим ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон – за глобальный план борьбы с торговлей людьми // <http://www.vrach.uz/5442-world.html>

БМТ НЖБнинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси мавжуд бўлиб, ушбу ваколатхона Марказий Осиё мамлакатларига уюшган жиноятчиликнинг турли кўринишлари, хусусан одам савдосига қарши кураш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш борасида кўмаклашиб келади. Минтақавий ваколатхонанинг бевосита Тошкент шаҳрида жойлашганлиги ушбу сиёсатни амалга оширишда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги устуворлигини очиб беради. Ушбу ташкилот Ўзбекистонда 1993 йилда аккредитация қилинган¹.

2010 йилда БМТ НЖБ томонидан “БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосига қарши кураш Протоколида² назарда тутилган тартибларни аъзо давлатлар томонидан амалга оширилишга ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида” Намунавий қонуни³ одам савдосидан жабрланган шахсларни идентификация қилишда муҳим халқаро ҳужжат саналади. Ҳужжатда одам савдосидан эҳтимолий жабрланган шахсларни идентификация қилиш ва уларга процессуал тартибда жабрланувчи мақомини бериш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли ташкилотларга йўналтириш, жабрланувчилар учун муҳим бўлган ахборотларни тақдим этиш, асосий имтиёз ва хизматлар тақдим этиш ҳамда бошқа ижтимоий аҳамиятга молик бўлган нормалар назарда тутилган.

Одам савдосига қарши курашнинг халқаро-сиёсий механизмлари тўғрисида сўз борганда, Миграция бўйича халқаро ташкилоти (МХТ) фаолиятига ҳам урғу бериб ўтиш лозим. Гарчи ушбу ташкилот халқаро мақомига кўра универсал ҳисобланмасада, лекин халқаро миграция масалаларини тартибга солиш борасида кенг кўламли ишларни амалга

¹ Региональное Представительство Управления ООН по наркотикам и преступности в Центральной Азии (ЮНОДК) // <http://www.unodc.org/uzbekistan>

² БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – Б. 164.

³ Типовой закон о борьбе с торговле людьми. Управление ООН по наркотикам и преступности. Вена, 2010.

оширишда иштирок этиб келмоқда. МХТ 1951 йилда ташкил топган ҳукуматлараро муассаса ҳисобланади. 123 та аъзо давлат, 18 та кузатувчи мақомидаги давлат ва 100 дан ошиқ мамлакатда 400 га яқин ваколатхоналарига эга. Бугунги кунда ушбу ташкилот томонидан 1770 та дастурлар амалга оширилмоқда ва улар асосан жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш, “одам савдогарлари”ни жиноий таъқиб қилиш ва жазолаш, одам савдосидан жабрланган шахсларга реинтеграцион ёрдамни кўрсатишга йўналтирилган¹.

МХТ ўз фаолитини Марказий Осиёда 1992 йилда бошлаган. 1998 йилдан одам савдосига қарши кураш йўналиши бўйича Марказий Осиёда фаолият юритади. МХТ минтақада одам савдоси муаммосини кўтариб чиққан ва минтақа давлатлари ҳукуматларининг эътиборини қаратган биринчи ташкилотлардан бири ҳисобланади.

МХТнинг Марказий Осиёдаги асосий йўналишларидан бири бу халқаро ҳуқуққа асосланган ҳолда минтақа давлатларига одам савдосига қарши курашда дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек одам савдосининг олдини олиш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. МХТ ўз фаолиятини халқаро ва ноҳукумат ташкилотлар билан чамбарчас ҳамкорликда олиб боради. Минтақада одам савдосига қарши курашдаги асосий фаолияти ахборот, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатишдан иборат.

Бугунги кунда МХТ томонидан ишлаб чиқилган одам савдоси жабрланувчисини аниқлашнинг қуйидаги **усуллари мавжуд:**

Проактив аниқлаш усули – одам савдоси жабрланувчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда махсус йўналитирилган нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан аниқ, мақсадли, махсус усуллар орқали қидириш (жабрланувчига айланиш хавфида бўлган шахсларни излаш, уларни

¹ МХТ Ўзбекистонда аккредитация қилинмаганлиги ва ўз ваколатхонасига эга эмаслиги сабабли, унинг “Марказий Осиёда одам савдосига қарши курашиш” лойиҳаси “Истикболли авлод” ёшлар ахборотмаърифат маркази (ННТ) томонидан амалга оширилади.

аниқлаш имкони мавжуд жойларни таҳлил қилиш, маълумот тўплаш ва ҳ.к.) ҳисобланади. Ушбу усул ёрдамида одам савдоси қурбонига айланиш хавфида бўлган шахсларга одам савдоси муаммоси, жабрланувчиларнинг, ҳуқуқлари, уларни ёрдам олишлари учун мурожаат қилишлари мумкин бўлган муассасалар тўғрисида ахборот бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Реактив аниқлаш усули – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга одам савдоси жабрланувчисининг ўзи мурожаат қилиши ва одам савдоси жинояти тўғрисида маълумот бериши ҳисобланади¹.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, БМТ дунёдаги ягона универсал ташкилот сифатида янги юзага келаётган ва глобал қамровга эга бўлаётган муаммоларга қарши курашишда асосий ўрин тутди. Зеро, у одам савдосига қарши курашишда жаҳон мамлакатларини интеграциялаштириш кучига ва имкониятига эга бўлган қудратли халқаросий институтдир.

¹ Одам савдосига қарши курашиш бўйича ахборот маълумотнома. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва “Истиқболли авлод” ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида ишлаб чиқилган тарқатма материали. 2012. - Б. 14.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

3.1. Одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд муаммолар

Бугунги кунда юртимизда одам савдосига қарши кураш ва ундан жабр кўрган шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам **“Одам савдоси бўйича 2021 йилги”** ҳисоботига кўра мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш ва унинг профилактикасини амалга ошириш борасида ижобий ишлар амалга оширилганлигини таъкидланган. Хусусан, Республикамиз томонидан бугунги кунгача ўтказилган **“Меҳр-1, 2, 3, 4, 5”** операциялари доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб қолган **531 нафар аёллар ва болалар** Ўзбекистонга олиб келинди.

Аммо, бугунги кунда республикадаги одам савдосига қарши кураш йўналишидаги вазият айрим муаммоларнинг мавжудлигини ҳам инкор этмайди.

Ушбу соҳада фаолият олиб боровчи давлат идоралари ўртасида вазифаларнинг мақсадли тақсимланмаганлиги ва мазкур жиноятчиликка қарши курашнинг превентив механизмларини яратишнинг мураккаблиги мамлакатда одам савдосига қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий, институционал ва ташкилий асосларининг модернизациясини давом эттиришни тақозо этмоқда.

Ана шундай муаммолардан бири бу – Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ўзларини жабрланувчилар сифатида эътироф этилишларини истамаслигидир. Айнан шу нарса бугунги кунда одам савдоси жиноятининг латентлик даражасини ошиб боришига ҳисса қўшаётган асосий омиллардан

бири ҳисобланади. Жисмоний шахслар турли сабабларга кўра ўзини жабрланувчи санамаслиги мумкин, шу жумладан:

➤ жабрланувчилар давлат органларига ишонмаслиги мумкин. Хусусан, уларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳақида эски салбий хотира бўлиши мумкин. Шунингдек, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар уларни ҳокимият билан гаплашишнинг оқибати тўғрисида огоҳлантириб, уларни чалғитган бўлиши мумкин;

➤ жабрланувчилар одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларга қарши жиноий суд жараёнида гувоҳлик бериш учун жабрланувчи сифатида ўзи истамаган ҳолда узоқ вақт бошқа бир чет эл давлати ҳудудида қолиб кетиши мумкинлиги тўғрисида фикр мавжуд бўлиши мумкин;

➤ кўпинча, жабрланувчилар идентификациялаш уларнинг жамоатчилиги томонидан шармандалиқ ва таҳқирланишларга олиб келишидан ва ҳатто ижтимоий четлаштирилиши мумкинлигидан кўрқади. Баъзи ҳолларда, улар эксплуатация қилинганини тан олганида, уларнинг жамоаси ўз оиласини, таъминлай олмаган, деган хулосага келишидан хавотирланади.

Одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги мавжуд муаммолардан яна бири бу - кўп ҳолларда одам савдоси жиноятини содир этувчи жиноий гуруҳлар фуқароларни ёллаб давлат чегарасидан ноқонуний равишда олиб ўтади ва дастлабки вақтларда улар томонидан алдов ва фирибгарлик усуллари қўлланилганлиги сабабли, жабрланувчи шахслар бунга ўз розилиklarини беришадилар. Лекин тайинланган мамлакатга етиб боргач, жиноятчилар уларни меҳнат ёки шахвоний эксплуатацияга жалб қилишади. Жабрланувчилар, аксарият ҳолларда, ўз имкониятлари ёки ваколатли ташкилотлар ёрдамида яшаш жойларига қайтгач, чегарадан ноқонуний кесиб ўтганликлари туфайли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилишдан кўрқиб ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этмайди. Ваҳоланки, янги таҳрирда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси қонунининг 27-моддаси 5-қисмида одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмишлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаровий, маъмурий ва жиной жавобгарликдан озод этилиши келтириб ўтилган.

Аммо, бугунги кунда ушбу норма унинг амалга ошириш механизмлари мавжуд эмаслиги сабабли амалиётда қўлланилмаябди. Бу эса, ўз ўрнида, одам савдоси жинойтининг латентлилик хусусиятини келтириб чиқариб, ҳуқуқ-тартибот идораларининг жиной статистика юритиш ва одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда олдини олиш борасидаги фаолиятига тўсқинлик қилади.

Шунингдек, 2000 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган БМТнинг трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколнинг 6-моддасига асосан “Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизимида одам савдоси жабрдийдаларига етказилган заранинг ўрнини қоплаш имкониятини берувчи чоралар кўрилишини таъминлайди”-деб келтириб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг ушбу протоколни 2008 йил 08 июлда ратификация қилганлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу қоида бизнинг қонунчилик тизимимизда ҳам ўз аксини топиши лозим деган хулоса келиб чиқади. Аммо, бугунги кунда миллий қонунчилигимизда одам савдоси жабрланувчиларининг компенсация олиши билан боғлиқ қоидалар мавжуд эмас.

Хусусан, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак бир қатор давлатларда ушбу қоида мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, **Қатар амирлигининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги 2011 йил 15-сонли қонунига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу қонунда эксплуатация жабрланувчилари ўз жинойтчиларидан алоҳида ва умумий зарарни ундириш ҳуқуқига эга эканликлари, ушбу зарарни**

баҳолашда судлар эксплуатация қилиш даражаси, жиноятчининг эксплуатациядан олган фойдаси, одам савдоси жабрланувчисининг келажаги барбод бўлганлиги даражаси, жиноятчининг айбдорлиги ва жиноятчи билан жабрланувчининг муносабати ҳисобга олиниши мумкинлиги, алоҳида зарарга одам савдоси натижасида юзага келган барча харажатлар, шунингдек, ватанга қайтариш харажатлари ҳам кириши мумкин эканлиги келтириб ўтилган. Шу билан биргаликда, АҚШнинг “Одам савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2000 йилда қабул қилинган қонунида ҳам бу нарса ўз аксини топган, яъни ушбу қонунда қуйидагилар келтириб ўтилган “Америка Қўшма Штатларининг ушбу қонуни судлардан одам савдоси жабрланувчиларига “жабрланувчининг барча зарарлари” учун “қонунда белгиланган бошқа фуқаролик ёки жиноий жазолардан ташқари” мажбурий компенсацияни талаб қилади.

Бундан ташқари, БМТнинг одам савдосига оид халқаро шартномаси миллий қонунчиликда инкорпорация усули орқали имплементация қилинган. Шу жумладан, одам савдосининг универсал тушунчасидаги “эксплуатация” сўзи ҳам миллий қонунчиликда рус тилида татбиқ этилаётган даврда “эксплуатация” сўзининг ўзи олинган. Ушбу атама миллий қонунчилик, хусусан, “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси ва ЖКнинг 135-моддасида ўзбек тилида баён қилиш вақтида “эксплуатация” сўзи “фойдаланиш” сўзи билан алмаштирилган. Ушбу атамаларнинг таҳлили эса қонунчиликда таржима вақтида техник хатога йўл қўйилганлигидан далолат беради. Чунки, “фойдаланмоқ” деганда кўпроқ жонсиз нарса ва предметлардан фойдаланиш тушунилади. “Эксплуатация” сўзи эса айнан бировнинг кучидан ва меҳнатидан фойдаланишни назарда тутди.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддасининг диспозицияси ва бандларида ҳам етарли муаммолар мавжуд¹. Бу, ўз ўрнида, дастлабки тергов жараёнида бир қанча қийинчиликлар келтириб чиқаради.

¹ Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. <https://lex.uz/acts/111453>

Жумладан, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида одам савдосига берилган таърифда “вазиятнинг қалтислигидан фойдаланган ҳолда” ушбу жиноятни содир этилиши мумкинлиги ҳам белгиланган. Аммо 135-модданинг диспозицияси ҳамда бандларида бундай ҳолат учун жавобгарлик кўзда тутилмаган.

Одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация қилишда ҳам бир қанча муаммолар мавжуд. Хусусан, 2008 йил 5 ноябрь куни “Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 240-сонли Қарори билан Тошкент шаҳрида шундай марказ ташкил этилган. Лекин ушбу Реабилитация маркази фақат 30 нафар жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга мўлжалланган. Бундай реабилитация маркази фақатгина Тошкент шаҳрида жойлашган ва жабрланувчиларга бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Республикамизда трансмиллий жиноятчиликнинг бир кўриниш бўлган одам савдоси жиноятчилигини олдини олиш ва унинг жабрланувчиларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор амалий ишлар олиб борилишига оширилаётган қарамасдан, бугунги кунда эришилаётган ютуқлар билан бирга муаммо ва камчиликлар ҳам сақланиб қолмоқда. Агар юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар баргараф этилиши, нафақат ушбу турдаги жиноятчилик балки бошқа турдаги трансмиллий жиноятчиликларни ҳам олди олиниши ва одам савдосига қарши кураш йўлида бунданда ижобий натижаларга эришиш кафолати бўлиб ҳисобланади.

3.2. Одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини такомиллаштириш истиқболлари

Кўп ҳолларда одам савдоси жиноятини содир этувчи жиноий гуруҳлар фуқароларни ёллаб давлат чегарасидан ноқонуний равишда олиб ўтади ва дастлабки вақтларда улар томонидан алдов ва фирибгарлик усуллари қўлланилганлиги сабабли, жабрланувчи шахслар бунга ўз розиликларини беришадилар. Лекин тайинланган мамлакатга етиб боргач, жиноятчилар уларни меҳнат ёки шахвоний эксплуатацияга жалб қилишади. Жабрланувчилар, аксарият ҳолларда, ўз имкониятлари ёки ваколатли ташкилотлар ёрдамида яшаш жойларига қайтгач, чегарадан ноқонуний кесиб ўтганликлари туфайли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилишдан кўрқиб ҳуқуқтартибот идораларига мурожаат этмайди. Бу эса, ўз ўрнида, одам савдоси жиноятининг латентлилик хусусиятини келтириб чиқариб, ҳуқуқтартибот идораларининг жиноий статистика юритиш ва одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда олдини олиш борасидаги фаолиятига тўсқинлик қилади. Фикримизча ушбу ҳолатни олдини олиш мақсадида жиноят кодексининг 223-моддасининг қисмига рағбатлантирувчи нормани киритиш ўринлидир.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, юртимизда бугунги кунда одам савдоси жабрланувчиларига компенсация тўлаш масаласи очик қолмоқда. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва айрим хорижий давлатларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги миллий қонунчилигида одам савдоси жабрланувчиларини реабилитация қилишда айнан компенсация тўлаш нормалари ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, 2005 йилдаги Европа Кенгашининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси 15-моддасида ички қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда, жабрланганлар учун компенсация тўлаш жамғармасини таъсис этиш орқали ёки жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ижтимоий интеграциялаш учун мўлжалланган ҳамда одам савдоси жиноятини содир этган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш натижасида олинган маблағлар эвазига молиялаштирса бўладиган бошқа чоралар ёки дастурлар орқали компенсация тўланишини

кафолатлаш учун талаб этилиши мумкин бўлган қонунчилик чоралари ёки бошқа чораларни кўриши назарда тутилган. Бугунги кунда бундай амалиёт Озарбайжон ва Грузия мамлакатларида жорий этилган. Фикримизча шу мақсадда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга жабрланувчиларга компенсация тўлаш масаласини киритиш ўринлидир.

Шунингдек, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда одам савдосига қарши кураш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг ваколатлари келтириб ўтилган.

Хусусан, ДХХга Қонуннинг 13-модда 1-қисм 5-бандида халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш юклатилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 345-моддаси 5-қисмида одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини ички ишлар органларининг терговчилари ваколатига кириши белгиланган. Қонунчилигимизда мавжуд ушбу коллизияни олдини олиш учун ЖПКнинг 345-моддасига ўзгартириш киритиш ўринлидир.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши ваколати берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари томонидан қонунда назарда тутилган шахсларнинг профилактик ҳисобини юритиши назарда тутилади. Одам савдоси жиноятлари шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар оғир турдаги жиноятлар сифатида таснифланади. Содир этилган жиноятлар таҳлили шуни кўрсатадики одам савдоси жиноятларининг асосий қисмини шахвоний эксплуатация ҳамда чақалоқ савдоси жиноятлари ташкил этмоқда. Профилактика инспекторлари томонидан ўз хизмат ҳудудида фоҳишалик билан шуғулланувчи шахсларнинг профилактик ҳисоби юритилади. Сўнгги йилларда республикада чақалоқ савдоси билан бир

каторда, туғилган фарзандини жонига қасд қилиш ёки уни қаровсиз ҳолатда ташлаб келиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Ҳаттоки, бугунги кунда асосан ҳомиладор аёллар ва ёш боласи бор аёллар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолда чет давлатда ўз фарзандларини сотиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Республикамизда содир этилаётган чақалоқ савдоси жиноятларини олдини олиш мақсадида турмушга чиқмасдан фарзандли бўлган ёки қонуний никоҳдан ўтган турмуш ўртоғи билан бирга яшамасдан ёхуд ажрашган ҳолда фарзанд кўрган оналарнинг профилактик ҳисобини юритиш лозим.

Юқордида таъкидлаб ўтганимиздек, БМТнинг одам савдосига оид халқаро шартномаси миллий қонунчилигимизга инкорпорация усули орқали имплементация қилинган. Шу жумладан, одам савдосининг универсал тушунчасидаги “эксплуатация” сўзи ҳам миллий қонунчиликда рус тилида татбиқ этилаётган даврда “эксплуатация” сўзининг ўзи олинган. Ушбу атама миллий қонунчилик, хусусан, “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси ва ЖКнинг 135-моддасида ўзбек тилида баён қилиш вақтида “эксплуатация” сўзи “фойдаланиш” сўзи билан алмаштирилган. Ушбу атамаларнинг таҳлили эса қонунчиликда таржима вақтида техник хатога йўл қўйилганлигидан далолат беради. Чунки, “фойдаланмоқ” деганда кўпроқ жонсиз нарса ва предметлардан фойдаланиш тушунилади. “Эксплуатация” сўзи эса айнан бировнинг кучидан ва меҳнатидан фойдаланишни назарда тутади. Фикримизча, миллий қонунчиликда одам савдосига оид расмий тушунчаларни шакллантиришда “эксплуатация” атамасининг ўзини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, қонундаги атама ва сўзлар аниқ ҳамда илмий асосланган бўлиши лозим.

Шунингдек, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида одам савдосига берилган таърифда “вазиятнинг қалтислигидан фойдаланган ҳолда” ушбу жиноятни содир этилиши мумкинлиги ҳам белгиланган. Аммо 135-модданинг диспозицияси ҳамда бандларида бундай

ҳолат учун жавобгарлик кўзда тутилмаган. Мазкур шароит эса жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида намоён бўлиши мумкин.

Маълумки, 2008 йил 5 ноябрь куни “Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 240-сонли Қарори билан Тошкент шаҳрида шундай марказ ташкил этилган. Лекин ушбу марказнинг фақат Тошкент шаҳрида фаолият юритиши кўплаб бошқа ҳудуддаги жабрланувчилар учун қийинлик туғдирмоқда. Бундан ташқари ушбу марказнинг умумий одам сифими 30 нафар шахсга мўлжалланганлиги ҳам одам савдосидан жабр кўрган шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги асосий муаммолардан бири бўлиб турибди.

Одам савдоси жиноятчилигидан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш тизимида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш ва уни янада такомиллаштириш мақсадида Республикаимизнинг Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган одам савдоси жиноятчилигидан жабр кўрганларга ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш реабилитация маркази филиалларини барча вилоятлар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам очиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Халқаро ҳуқуқ нормаларида эътироф этилгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шу боис инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи одам савдоси жиноятига қарши курашни фаоллаштириш давлат идоралари олдида турган асосий вазифалар қаторидан жой олади.

Тадқиқот натижасида одам савдосини олдини олиш, унга қарши курашиш, мазкур жиноят учун жавобгарлик белгиланган нормалар ва ушбу жиноятдан жабр кўрган шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалиётини такомиллаштириш, одам савдоси оқибатларини минималлаштириш ҳамда унинг жабрланувчиларини реабилитациясини ташкил этишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган кўйида келтирилган асосий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Биринчидан, одам савдосига қарши курашишга қаратилган амалдаги Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда;

иккинчидан, сиёсий нуқтаи назарга кўра, одам савдоси миллий ҳавфсизликка реал таҳдид уйғотади ва гарчанд дастлабки оқибатлари инсон ҳуқуқларининг бузилишида намоён бўлсада, бироқ келажакда мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тизимларга салбий таъсир кўрсатади;

учинчидан, бугунги кунда одам савдоси жабрланувчиларига компенсация тўлаш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда;

тўртинчидан, одам савдосига қарши курашишда унинг жабрланувчиларини реабилитация қилиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда;

бешинчидан, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишда ушбу жиноятларни олдини олиш борасидаги профилактик чора-тадбирларни ривожлантириш муҳимлигини кўрсатмоқда;

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ғарбий Европа, араб дунёси, Жанубий-шарқий Осиё ва айрим постсовет мамлакатлари учун “тирик товар”ни етказиб берувчи донор мамлакатига айланиб қолаётганлиги республиканинг халқаро майдондаги сиёсий имижига салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида одам савдосига қарши курашишга оид ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини бартараф этиш ва ушбу соҳада фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги **таклифлар** илгари сурилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасининг 5-қисмини қуйидаги рағбатлантирувчи диспозиция билан тўлдириш:

“Агар ушбу Кодекснинг 135-моддасида назарда тутилган жиноят оқибатида жабрланган шахс ҳақиқатдан ҳам одам савдоси жинояти ташкилотчилари томонидан алдов, фирибгарлик ёки бошқа усуллар билан давлат чегарасидан ноқонуний равишда олиб ўтилган бўлса ва у ўз хоҳишига кўра ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилиб, жиноятни фош этишга амалий ёрдам кўрсатган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, ушбу моддада белгиланган жиноий жавобгарликдан озод қилинади”.

2. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга одам савдосидан жабр кўрган шахслар учун компенсация тўлаш бўйича нормаларни киритиш ва Республика реабилитация маркази хузурида маҳсус жамғарма ташкил қилиш;

Жамғарма маблағлари қуйидагича шакллантирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига асосан жиноий йўл билан орттирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарарни қоплаш учун айбланувчидан ундириш;

- қисман маҳаллий бюджет маблағларидан ўтказиш;

- ихтиёрий равишда, хайр-эхсон ва бошқа турдаги қонуний йўллар билан пул ўтказиш.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 13-модда 1-қисм 5-банди (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати одам савдосига қарши курашиш соҳасида: халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлак тергов ўтказди) билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 345-моддаси (Жиноят ишининг терговга тегишлилиги), 6-қисми (Жиноят кодексининг 130-моддаси учинчи қисмида, 167-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 178, 1863, 188, 1881, 244¹, 244² - моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади) ўртасидаги мавжуд коллизияни бартараф этиш мақсадида **ЖПКнинг** ушбу модданинг қисмига Жиноят кодексининг **135-моддасини** киритиш.

4. Худудий профилактика инспекторларининг турмуш қурмасдан ёки турмуш ўртоғи билан бирга яшамасдан фарзанд кўрган оналарнинг **профилактик ҳисобини юритиш** тизимини жорий этиш.

5. “Эксплуатация” ва “фойдаланмоқ” сўзларининг ўртасидаги тафовутлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг **3-моддасида “одам савдоси”**ги нисбатан бериган тушунчада **“фойдаланиш”** сўзини **“эксплуатация қилиш”** сўзи билан алмаштириш. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ўзбек тилидаги таҳрирининг **135-моддаси** ва **“Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”** деб номланувчи **8-бўлимида** ҳам шунга ўхшаш ўзгартиришларни киритиш.

6. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси (Асосий тушунчалар)да одам савдосига берилган таърифдаги **“вазиятнинг қалтислигидан фойдаланган ҳолда”** деб кўрсатилган ҳолат учун жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисмини “л” банди билан тўлдириш ва уни “вазиятнинг қалтислигидан фойдаланган ҳолда” деб баён этиш.

7. Одам савдоси жиноятчилигидан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш тизимида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш ва уни янада такомиллаштириш мақсадида Республикаимизнинг Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган одам савдоси жиноятчилигидан жабр кўрганларга ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш **реабилитация маркази филиалларини барча вилоятлар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам очиш**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2021.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2021 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2021 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони. 13.02.2001 й., № ПФ-3178 // Меҳнат қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: “Адолат”, 2007.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. 30.07.2019 й. // <https://lex.uz/docs/4616405>. Мурожаат санаси 17.03.2020.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори. 12.09.2018 й., № 725 // <https://lex.uz/docs/3903307?ONDATE=13.09.2018%2000#3919552> Мурожаат санаси 17.03.2020.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2020.

7. Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида Олий суд пленумининг қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қарорлари. – Т., 2009.

8. Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги” 2008 йил 16 сентябрдаги қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008. № 37-38.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида” // Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: “Юрист медиа маркази”, 2009.

10. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Юрист-медиа маркази”, 2009.

11. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Масъул муҳар. Саидов А.Х. – Т.: “Адолат”, 2004.

12. Национальное и международное законодательство в области борьбы с торговлей людьми. – Т.: “Адолат”, 2009.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон” – 1997.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12-ноябрдаги қўшма мажлисидаги маъруза. - Т.: “Ўзбекистон”. – 2010.

3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. Т. 8. – Т.: “Адолат”, 2000.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. - 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

III. Монография ва рисоалар

1. Абдулхаков Я.А. Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш амалиёти бўйича услубий қўлланма. – Тошкент: “Ўзбекистон Республикаси ИИВ”, 2009.

2. Авдокушин В.И. Международные отношения. – М.: “ИНФРАМ”, 1998.

3. Бурьяк М.Ю. Правовая борьба с торговлей людьми. Транснациональная организованная преступность: дефиниции и реальность. – Владивосток. Изд-во Дальневост. ун-та, 2001.

4. Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. Ташкент. УМЭД, 2010.

5. Вилкс А. Трафик людей: правовые и социальные аспекты. – Р.: “Рига”, 2005.

6. Исламов Т.М., Акбарходжаев Д.А., Юлдашев С.Р. Одам савдоси ва унинг глобал хавфсизликка таҳдиди. Монография. – Т.: СТИБОМ. 2012.

7. Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. Т. – 2009. – Б.252-271.

8. Сборник методических пособий по вопросам борьбы с торговлей людьми. Управление ООН По наркотикам и преступности. Нью-Йорк, 2008.

9. Смирнов Г.К., Типологический подход при производстве по уголовным делам о торговле людьми. Москва. 2009.

10. Стровский Л.Е. Международные экономические отношения. Учебное пособие для вузов. – М.: 2003.

IV. Илмий мақолалар

1. Базаров Ф.А. Одам савдоси жиноятларига қарши курашишда “Тезкор кидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти. Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2013 йил 5 апрель). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. -Б. 139-143.

2. Закирова У. Трансплантация: қонун ва жавобгарлик. Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий журнал. ТДЮУ. 02/2017. –Б. 136-141.

3. Лукач Н. М. Международный опыт преодоления глобальной проблемы торговли людьми. Глобальные проблемы. Журнал. Век глобализации 4/2016. –С. 78–87.

4. Пайзиев Д.Ю.Одам савдоси жиноятининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи. Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2013 йил 5 апрель). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. -Б. 294-300.

5. Фазилов И.Ю. Одам савдоси учун жавобгарликни белгиловчи халқаро ҳуқуқ нормаларидаги муаммолар. Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2013 йил 5 апрель). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. -Б. 92-98.

6. Фазилов И.Ю. Одам савдоси билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга доир қонунчилик нормаларини қўллаш масалалари. Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари:

республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2013 йил 5 апрель). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. –Б. 258-265.

7. Насимов Г.А. Проблема торговли людьми как преступления против личной свободы // Вестник Московского университета МВД России. 2009. №6. – С. 153-155

8. Рахимов М.С. Торговля людьми. Субъект преступления торговли людьми. Журнал Бизнес в законе 3/2007. –С. 181-185.

9. Смирнов Г.К. Торговля людьми. Криминалистическая характеристика торговли людьми. Журнал Бизнес в законе 1/2007. –С. 50-62.

10. Эгамбердиев И.Б. Доимий яшаш манзилидан узоқ муддатга чиқувчи ва қайтиб келган шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкил этиш. Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 21 ноябрь). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. –Б. 126-132.

V. Автореферат ва диссертациялар

1. Абдулҳақов Я.А. Одам савдоси жиноятларининг тергов қилиш хусусиятлари. Автореф. дис... юрид. фан. PhD. –Т.: 2019. –Б. 5-46.

2. Буряк М.Ю. Торговля людьми и борьба с ней (криминологические и уголовно-правовые аспекты). Автореф. дис... канд. юрид. наук. Владивосток, 2005. – С. 5-32.

3. Головкин Н.В. Доказывание по уголовным делам о торговле несовершеннолетними. Автореф. дис... канд. юрид. наук. –М. 2012. –С. 3-16.

4. Егорова Л.Ю. Торговля несовершеннолетними: проблемы квалификации). Автореф. дис... канд. юрид. наук. –М. 2007. –С. 3-29.

5. Зайберт Н.С. Государственная политика противодействия торговле людьми в странах Северной Европы. Автореф. дис... канд. полит. наук. - Санкт-Петербург. 2004. –С. 2-30.

6. Кулажникова С.С. Торговля женщинами в целях сексуальной эксплуатации как проявление аномии в современном российском обществе: социологический анализ. Автореф. дис... канд. соц. наук. Владивосток, 2009. – С. 4-19

7. Шарипов Х.К. Структура занятости населения и пути её совершенствования в условиях перехода к социально-ориентированному рынку Республики Узбекистан. Автореферат. к.э.н –Т.: 1994.

8. Ҳамраева Ш.Х. «Международно-правовые проблемы устранения траффика (продажи) женщин» Дисс. канд. юрид. наук.- Ташкент. 2007.

9. Абакирова А.М. Государственно-правовое регулирование миграционных процессов в Кыргызской Республике. Автореферат. к.ю.н – Бишкек, 2004.

10. Асмандиярова Н.Р. Борьба с незаконной миграцией на региональном уровне: уголовно-правовой и криминологический аспекты: по материалам Республики Башкортостан: Дисс. к.ю.н. 12.00.08 - Москва, 2008.

VI. Интернет материаллари

1. Одам савдоси бўйича 2019 йилги ҳисобот: Ўзбекистон. <https://uz.usembassy.gov/uz/2019-trafficking-in-persons-report-uzbekistan-uz/>.

2. Одам савдоси – трансмиллий жиноят. 01.08.2019. <https://uza.uz/oz/society/odam-savdosi-transmilliy-zhinoyat-31-07-2019>.

3. 30 июль — Одам савдосига қарши курашиш куни. 30.07.2019. <http://xs.uz/uzkr/post/30-iyul-odam-savdosiga-qarshi-kurashish-kuni>

4. Одам савдосига қарши курашиш жамоатчилиқ фикри кўзгусида. 03.07.2019. http://ijtimoiyfikr.uz/uz/oav_materiallari/odam_savdosiga_qarshi_kurashish_jamoatchilik_fikri_kozgusida

5. Борьба с торговлей людьми. <https://www.diplomatie.gouv.fr/ru/politique-etrangere/prava-cheloveka/luttecontre-la-traite-des-etres-humains/>

6. Принимаемые в Республике Беларусь меры по противодействию торговле людьми. <http://krichev.gov.by/beregi-zhizn/item/3517-prinimaemye-vrespublike-belarus-mery-po-protivodejstviyu-torgovle-lyudmi>

7. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси - одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссияси. <http://ht.gov.uz/uz/>

8. Черный рынок человеческих органов. 27.07.2016. http://pravomed.ru/community/blogs/istepanov/_1067.php

ГЛОССАРИЙ

Аёллар савдоси – одам савдосининг намоён бўлиш шаклларида бири бўлиб, аёлларга жисмоний ва рухий таъсир кўрсатиш орқали уларга эгалик қилиш ҳамда шахвоний ва бошқа мақсадларда эксплуатация қилишдир.

Болалар савдоси – ҳар қандай шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан рағбатлантирув ёки бошқа тўловлар эвазига бошқа шахс ёки шахслар гуруҳига болаларни тақдим этиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат ёки битим.

Виктимология – жабрдийда, бирор нарса оқибатида жафо тортган ёки зарар кўрган одам тўғрисида илм-фан.

Декларация (лот. declaratio - баёнот, эълон) – 1) асосий тамойилларни эълон қилмоқ, тавсиявий кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат. 2) халқаро ҳуқуқда томонлар томонидан келишиб олинган асосий тамойил ва мақсадларни ифода этувчи ҳужжат.

Депортация – бирор бир давлат ҳудудида жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги учун чет эл фуқароларини мамлакатга маълум муддатга кириш ҳуқуқидан маҳрум қилиб чиқариб юбориш.

Донор мамлақати – “тирик товар”ни етказиб берувчи мамлакатлар. Шунингдек, бундай мамлакатларни “етказиб берувчи”, “экспортер” деб ҳам аташ мумкин.

Замонавий қуллик – одам савдосининг бугунги интерпритацияси, расмий ва илмий доираларда “одам савдоси” тушунчасининг синоними сифатида қўлланилмоқда.

Идентификация қилишнинг проактив аниқлаш усули – одам савдоси жабрланувчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда махсус йўналитирилган нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан аниқ, мақсадли, махсус усуллар орқали қидириш (жабрланувчига айланиш хавфида бўлган шахсларни излаш, уларни аниқлаш имкони мавжуд жойларни таҳлил қилиш, маълумот тўплаш ва ҳ.к.) ҳисобланади. Ушбу усул ёрдамида одам савдоси қурбонига айланиш хавфида бўлган шахсларга одам савдоси

муаммоси, жабрланувчиларнинг, ҳуқуқлари, уларни ёрдам олишлари учун мурожаат қилишлари мумкин бўлган муассасалар тўғрисида ахборот бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Идентификация қилишнинг реактив аниқлаш усули – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга одам савдоси жабрланувчисининг ўзи мурожаат қилиши ва одам савдоси жинояти тўғрисида маълумот бериши ҳисобланади.

Имплементация (ингл. implementation – бажариш, ижро этиш) – халқаро мажбуриятларни (халқаро ҳуқуқни) давлат ичида амалий жорий қилиш; халқаро - ҳуқуқий нормаларни миллий қонунлар ва қонуности қоидаларига қўчириш йўли билан амалга оширилади.

Инкорпорация усулидаги имплементация – имплементация қилаётган давлат томонидан халқаро нормани миллий қонунчиликда тўлиқлигича ва ҳеч қандай ўзгаришларсиз татбиқ этиш йўли билан имплементация қилиш.

Конвенция (лот. conventio – шартнома, битим) – кўп томонлама халқаро шартномаларнинг кенг тарқалган тури. Конвенциянинг ўзга номдаги халқаро шартномалардан фарқи йўқ.

Қул – қуллик даврида қулдор тасарруфига берилган ёки қул савдосида олди-сотдига қўйилган шахс мақоми.

Қуллик – инсоннинг шундай ҳолати ёки аҳволики, унинг устидан эгалик ҳуқуқининг белгилари ёки улардан баъзилари амалга оширилади.

Қул савдоси – қайсидир шахсни босиб олиш, эгаллаш ёки уни қулга айлантириш мақсадида унга эгалик қилиш билан боғланган ҳамма ҳаракатлар, қулни уни сотиш ёки алмашиш мақсадида сотиб олиш билан боғланган ҳамма ҳаракатлар, шу мақсадда сотиб олинган шахсни сотиш ёки алмашиш бўйича ҳамма ҳаракатлар ва умуман қуллар савдоси ёки қандайдир бўлмасин транспорт воситалари билан уларни ташиш бўйича ҳар қандай ҳаракат.

Қулликка ўхшаш институт ва одатлар - узоқ муддатдаги золимлик, ночор аҳвол, шунингдек 18 ёшдан кичик бўлган болаларни ота-онаси ёки васийлари томонидан рағбатлантирув ёки текинга ушбу бола ёки ўсмирни

эксплуатация қилиш мақсадида бошқа шахсга бериш билан боғлиқ ҳар қандай институт ёки одат.

Латент жиноят - содир этилган, аммо аниқланмаган ва давлат идораларига хабар қилинмаган жиноятлар туркуми.

Мажбурий меҳнат – шахсни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш.

Меҳнаткаш-мигрант - ўзлари фуқароси ҳисобланмайдиган давлатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланадиган, шуғулланган ёки шуғулланаётган шахс.

Миграция – (лот. migration - кўчиш) давомийлиги, тартиб ва мақсадли йўналтирувидан қатъий назар турли аҳоли пунктлари ва маъмурий-ҳудудий бўлинмалар орасида содир бўлаётган ҳар қандай ҳудудий кўчишлар.

Мигрантларни ноқонуний ташиш – бевосита ёки билвосита молиявий ёки бошқа моддий манфаатларни кўзлаб, мигрантларни фуқаролиги ва доимий яшашига алоқадор бўлмаган давлатларга ноқонуний равишда олиб кирилишини таъминлаш билан боғлиқ ҳаракат.

Одам савдоси - эксплуатация мақсадларида куч ишлатиш хавфи ёки уни қўллаш ёхуд мажбурловнинг бошқа шакллари қўллаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни ёки қарамлик ҳолатини суистеъмол қилиш ёхуд тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш йўли билан ёхуд шахсни назорат қилувчи бошқа шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш йўли билан инсонларни ёллаш, ташиш, бериш, яшириш ва одамларни қўлга киритиш.

Одам савдосидан жабрланган шахсни идентификация қилиш – таҳмин қилинган одам савдоси жабрланувчилари шахсини аниқлаш, текшириш ва эътироф этишни англатади.

Одам савдосидан жабрланган шахсни реабилитация қилиш - бу одам савдоси жинояти қурбонига айланган жабрланувчиларни ҳуқуқий,

иктисодий, ижтимоий, тиббий ва руҳий жиҳатдан ҳаётга қайта мослаштиришдир.

Психологик таъсир кўрсатиш - инсонларга (алоҳида индивидлар ва гуруҳлар) онг ва онг остининг ғоявий ва психологик тузилишини ўзгартириш, эмоционал ҳолатини трансформация қилиш ва хулқатворининг муайян (таъсир кўрсатувчига керак бўлган) типини рағбатлантириш (кўзғатиш) мақсадида йўналтириладиган таъсирдир.

Ратификация (лот. ratificatio, ratus-тасдиқланган + facio-бажараман) – халқаро шартномаларни бирор-бир мамлакатнинг олий давлат органи томонидан тасдиқланиши.

Реципиент мамлакати - ҳудудида одам савдоси жабрланувчилари эксплуатация қилинувчи давлатлар. Бундай мамлакатлар “истеъмолчи”, “тайинлов”, “қабул қилувчи” ва “импортер” деб ҳам номланади.

Транзит мамлакатлар - ҳудуди орқали одамлар трафиғи амалга оширилувчи мамлакатлар.

Трансмиллий жиноят – камида икки ёки ундан ортиқ давлатнинг ҳудудида бир қанча давлатлар ҳудудида фаолият юритувчи жиноий унсурлар томонидан содир этилган жиноят.

Уюшган жиноятчилик - қасддан жиноий фаолият билан шуғулланадиган ва ижтимоий назоратдан ҳимоя тизимини яратувчи турғун бошқариладиган жиноий тузилмалар. Уюшган жиноятчиликнинг муҳим белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) шахслар ва гуруҳлар орасида вазифаларнинг қатъий субординацияси ва мувофиқлашувидан иборат функционал-иерархик тизимга эга турли даражадаги уюшган жиноий ташкилот (тузилма) нинг мавжудлиги; б) жиноий фаолият турмуш тарзи ва ҳаёт кечириш воситасига айланган профессионалларнинг борлиги; в) барқарор, режалаштирилган, яширин жиноий фаолият; г) жиноий фаолиятни амалга ошириш, шахсий хавфсизлик ва ижтимоий назоратни бўшаштириш тизимларининг мавжудлиги ва бошқ.

Фоҳишабозлик – фоҳиша сақлаш ва қўшмачилик қилиш билан боғлиқ жинсий фаолият.

Хавфсизлик индикатори – бу хавфсизлик тизимининг ривожланишини ҳамда унинг ишлаб туришини (аспектлар, асосий соҳалар ва бошқалар) белгилаб берувчи кўрсаткич ҳисобланиб, у хавфсизликка бўлган таҳдидларни, уларнинг таркибларини, намоён бўлиш кўламларини ва унинг даражаларини тўлиқ равишда тавсифлаб беради.

Шаҳвоний жиноятлар – инсоннинг жинсий эркинлигига қарши қаратилган жиноятлар туркуми. Масалан, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш, жинсий алоқага мажбур қилиш ва ҳ.к.

Шаҳвоний эксплуатация – одам савдоси жабрланувчиларини фоҳишахоналар, порнографик фильмлар ишловчи кино студиялари, ҳаммом ва массаж салонлари, экспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар, барлар, кўнгилочар ёки стриптиз клублар, модель студиялари ва бошқа жойларда шаҳвоний хизмат кўрсатишга мажбур қилиш.

Эксплуатация – эксплуататор ёки учинчи шахслар фойдасига шахснинг иш кучидан мажбурий фойдаланиш ёки унинг жисмоний имкониятлари, тана аъзолари ва тўқималаридан бирон бир вазифани бажариш, хизматлар кўрсатиш, тиббий муолажаларни ўтказиш тушунилиб, эксплуатация қилинган шахсга танлаш эркинлиги берилмасдан, шу каби ишлар ёки хизматларни бажариш ёки унинг розилигисиз тана аъзолари ва тўқималарини ажратиб олиш ҳисобланади.